O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 7 (9.351) 2000 йил 17 январь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

15 январь куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Сессияда шунингдек, Фарғона вилоятидан сайланган Олий Мажлис депутатлари ҳам иштирок этдилар.

Сессияда ташкилий масала қараб чиқилди. Берган аризасига мувофиқ Нўъмонжон Мўминов Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислом Каримов сессия қатнашчиларига ушбу лавозимга Алишер Отабоев номзодини таклиф этди. Музокаралардан сўнг илгари вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Алишер Отабоев Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ФАРМОЙИШИ

Хорижий мамлакатларда нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари ва грипп билан оғриш кенг тарқалганлиги ҳамда грипп эпидемиясининг республика ҳудудига тарқалиши эҳтимоли муносабати билан:

1. Нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари ва грипп эпидемиясининг олдини олиш бўйича Ҳукумат комиссияси тузилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги касаллик кучайган даврда республиканинг бутун ҳудудида нафас йўлларининг ўткир касалликлари ва гриппга қарши кураш бўйича профилактика ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлари режасини амалга киритсин, бунда:

беморларни фаол аниқлаш ва ажратиш чора-тадбирлари ташкил этилиши ва уларнинг кенг амалга оширилишини;

хавф туғдирувчи гуруҳга кирувчи аҳолини, энг аввало барча болалар ҳамда катта ёшдагиларни гриппга қарши эмлашни;

тиббиёт муассасалари, транспорт, савдо объектлари ва мактабгача болалар муассасаларида дока ниқоблар тақиб юрилишини;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, олий ўқув юртлари, талабалар ётоқхоналари, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, жамоат транспортида намлаб дезинфекция ўтказилишини ва шамоллатиш режимига риоя қилинишини;

маданият объектларида санитария-гигиена чора-тадбирларига риоя қилиниши устидан назорат қилинишини, заурият бўлганда чеклаш тадбирлари жорий этилишини;

даволаш-профилактика муассасаларида ва дорихоналарда грипп ва у билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш учун зарур дори-дармон воситалари мавжуд бўлишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги нафас йўлларининг ўткир касалликлари ва гриппга қарши кураш бўйича профилактика ва эпидемияга қарши кураш тадбирларини эпидемия жамғармаси маблағлари ҳисобига тўлиқ ҳажмда маблағ билан таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

маъмурий ҳудудларнинг биринчи шахслари бошчилигида нафас олиш йўлларининг ўткир касалликларига қарши кураш бўйича комиссиялар тузсинлар;

жамоатчиликни жалб этган ҳолда халқ хўжалигининг барча объектларида эпидемияга қарши тадбирлар ўтказишни кучайтирсинлар;

давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари буюртманомаларига биноан гриппга қарши вакциналар ва дезинфекция воситалари сотиб олиш учун маблағ ажратсинлар.

5. "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртманомаларига биноан нафас йўлларининг ўткир касалликлари ва гриппнинг олдини олиш бўйича туркум телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрласинлар, шунингдек республика матбуотида ва маҳаллий матбуотда материаллар чоп этсинлар.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри, 2000 йил, 14 январь.

Изҳор

САОДАТЛИ КУНЛАР ШУКУҲИ

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа саналган республика Президентлигига сайловда Ислом Каримовнинг ёрқин ғалабаси барча юртдошларимиз қатори ҳамшаҳарларимизга ҳам бир олам севинч бағишлади, қалбларини тўлқинлантириб юборди. Таҳririятимизга келаётган мактублар, телефон қўнғироқларидаги дил изҳорлари буни яққол тасдиқлаб турибди.

◆ Обитжон СОИБНАЗАРОВ, "Растр" Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилгани, чет эллик инвесторларга яратилган қулай шароитлар иқтисодиётимизни ривожлантиришда, чет эл технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда тайёрланган маҳсулотлар жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Бунинг ҳаммаси, албатта, мустақиллик туфайли, бизни истиқлолга етаклаган доно ва зукко Йўлбошчимиз Ислом Каримов туфайлидир. Шу боис ҳам уларнинг қайта Президентликка сайланиши халқнинг тилида ва дилида аён эди. Чунки тўғри йўл танлашимизга асос солган, Ўзбекистонни дунёга танитган бу инсон юртимиз келажагини аниқ кўра олади ва халқимизни саодатли кунларга етаклайди.

◆ Маълума САМИҒОВА, "Шарқ гули" масъулияти чекланган жамияти попоп цехи бошлиғи, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси:

— Юртимизда ёшу қари, барча касб эгалари Президентимиз Ислом Каримовнинг номини чуқур ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки улар ўзининг буюк хизматлари, юртга, халққа меҳр-садоқатлари билан ана шунга сазовор бўлдилар. Бугунги мустақил Ўзбекистонимизни Ислом Каримовнинг тинчликсевар, доно, изчил сиёсатлари жаҳонга танитди, десак асло муболаға эмас. Меҳнат қилган элда азиз, деган доно нақлни ҳам мана шу мустақиллигимиз боис яхши англаяпмиз, юртга таниляпмиз. Ислом Каримовнинг қайта Президент этиб сайланиши бу бизнинг бахтимиз, келажагимизнинг ишончли одамга топширилганидир.

◆ Кудратилла АЗИМОВ, Тошкент тижорат техникуми маънавият ва маърифат масалалари бўйича директорнинг биринчи ўринбосари:

— Президентимизнинг маънавиятимизни юксалтиришга қўшаётган ҳиссалари беқиёсдир. Шу билан бирга ёш йигит-қизларимизни мустақиллик ғояларига садоқат, Ватанга, халққа, миллий қадриятларимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдаги, соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги эътиборлари барчамизни тўлқинлантиради. Билим юртимизда таҳсил олаётган ёшлар ҳам бир овоздан Ислом Каримовга овоз бердилар. Ахир барчага, шу жумладан ёшларга оталарча ғамхўрлик қилаётган, улар тимсолида мамлакатимиз келажагини кўраётган инсонни сайламай, унга овоз бермай бўладими?! Фарзандларимизга билим олиш, касб танлаш учун барча имкониятларни яратаётган шундай Президентимиз борлигидан фақат фахрланамиз ва ҳамиша уларни авайлаб-асрашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

◆ Абдурасул УМАРБЕКОВ, уруш қатнашчиси:

— Президентимизнинг биргина 9 майни "Хотира ва қадрлаш куни" деб эълон қилганлари, шаҳримиз бош майдонида Хотира мажмуасини бунёд этишга муҳим ҳисса қўшганларининг ўзи юзлаб йилларга татийди, десам ҳеч муболаға бўлмайди. Урушда шаҳид кетган, бевақт хазон бўлган асл ўғлонларимизнинг руҳи, оналаримизнинг дуолари Ислом Каримовни албатта қўллайди. Чунки у киши Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигини амалда исботлаётган ҳақиқий буюк инсондир. Шу боис ҳам отахон ва онахонларимизнинг дуолари ижобат бўлди: биз истаган инсон қайта Президент этиб сайланди.

◆ Ғуломжон ШАМСИДДИНОВ, ҳайдовчи, "Дўстлик" ордени соҳиби:

— Мустақилликка эришганимизга саккиз йил бўлган бўлса эришилаётган ютуқларимиз ўнлаб йилларга татигулиқдир. Чунки Истиқлол туфайли миллатимиз ўз қадрини, ўзлигини топди. Бунинг учун барчамиз юртимизга, халқимизга бош бўлган Президентимиздан чексиз миннатдормиз. Уларнинг сайловдаги ёрқин ғалабаси, халқимизнинг, мамлакатимизнинг ғалабасидир. Элимизни ойдин йўлларга, истиқболга бошловчи инсон — Ислом Каримовдир.

Шоира БАҲРОМОВА ёзиб олди.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

9 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотгани маълум. Бунинг далили ўша куни юздан зиёд чет эллик кузатувчи сайлов жараёнининг боришини бевосита кузатди.

Ҳадия МИРАҲМАДИ, Олий ислом кенгаши аъзоси (АҚШ):

"ХАЛҚИНГИЗНИНГ ЎЗ РАҲНАМОСИГА ИХЛОСИ ЮКСАК ЭКАНЛИГИГА АМИН БЎЛДИМ"

— Мираҳмади хоним, Сиз Американинг ислом дини уламолари вакили сифатида бу муқаддас диннинг қадимий марказларидан саналган Ўзбекистон диёрига ташриф буюрдингиз. Исломга эътиқод қилувчи америкаликлар билан Ўзбекистон мусулмонлари ўртасида қандай ўхшаш жиҳатлар ва фарқларни ўзингиз учун кашф этдингиз?

— Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этаманки, бу икки мамлакатнинг ислом динига эътиқод қилувчилари ўртасидаги асосий фарқ бу юртингизда саводхонлик даражасининг ғоят юқори эканлигидир. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларидан олдинда туради.

Биз қатор диний мадрасалар ва мактабларда ҳамда Ислом Университетида бўлдик. Ушбу илм даргоҳларида диний ва дунёвий билимларни чуқур ўзлаштирган талабалар таҳсил олаётганларининг бевосита шоҳиди бўлдим. Албатта, бу Ислом Каримов раҳнамолигида исломий қадриятларни қайта тиклаш борасида олиб борилаётган оқил сиёсат самараси эканлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлайман.

Мен халқингизнинг ислом динига ихлос билан эътиқод қилиши, бу динни чуқур талқин этиши ва уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашидан қалбан таъсирландим. Биз, америкалик мусулмонлар ислом қадриятларини сақлаб қолиш учун ўз юртимизда доимо куч-ғайратимизни сарф этиб келмоқдамиз. Айни пайтда муқаддас динимизнинг қадимий маркази, кўплаб машҳур дин арбобларининг ватани бўлмиш Ўзбекистонни зиёрат қилиш, бу юртда исломни муқаддас билган, уни покиза сақлаётган инсонлар орасида бўлиш мен учун унутилмас хотирадир.

— Сиз Ўзбекистонга айни пайтда халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрдингиз. Бўлиб ўтган Президент сайловининг қайси муҳим жиҳатларини қайд этиб ўтишингиз мумкин?

— Умуман олганда, сайловларнинг кўпгина жиҳатлари менда катта таассурот қолдирди. Аввалambor, сайловнинг юқори савияда ташкил этилганлиги, овоз бериш жараёнининг ғоят омилкорлик ва уюшқоқлик билан ўтганини қайд этиб ўтмоқчиман. Биз қатор сайлов участкаларига бордик ва сайлов бюллетенларида сайловчиларнинг исмлари, рақамлари, овоз бериш кўрсатмалари аниқ баён этилганига амин бўлдик. Бу юксак даражадаги тайёргарлик бизни ҳайратга солди.

Сайловнинг бошқа муҳим жиҳатларидан бири унинг тенглик асосида ўтганидир. Сайлов участкаларига ташрифимиз чоғида уларнинг кўпчилигида аёллар сайлов комиссияси аъзолари эканлигининг шоҳиди бўлдик. Ислом кўрсатмаларида қайд этилган аёллар эркинликлари ва тенг ҳуқуқлари мамлакатингиз ҳаётининг ҳар бир жабҳасида, шу жумладан, сайловлар давомида ҳам ёрқин намоён бўлди.

Шу билан бирга, сайловларнинг биз кузатган энг асосий хусусияти бу ўзбекистонликларнинг ўз Президентига бўлган чексиз садоқати ва муҳаббатидир. Одатда сайловлар даврида дунёнинг кўплаб мамлакатларида зиддиятлар, кескинликлар кузатилади. Лекин мамлакатингизнинг ҳар бир сайловчиси кўзидаги қувончни кўриб, халқингизнинг ўз раҳнамосига ихлоси нақадар юксак эканлигига амин бўлдим.

Президент Каримовнинг сайловчиларнинг 90 фоизидан зиёд овозини олиб ғалаба қозонганлигининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Зеро, Ўзбекистоннинг қайси вилоятига борманг, қайси инсон билан суҳбатда бўлманг, фуқароларнинг Президент Каримовни юксак даражада қўллаб-қувватлашларининг шоҳиди бўласиз. Демакки, халқ ўзининг муносиб раҳбари учун овоз берди.

Суҳбатдош:
Мардон ЁҚУБОВ, "Жаҳон" АА.

Хермано СИНГИХ, Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби:

— Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан собитқадамлик билан бораётган Ўзбекистон халқи Президент сайлови куни ўзининг буюк келажагини яратиш борасида якдиллигини яна бир бор исботлади. Мен эрта тонгданоқ Тошкент вилоятининг айрим шаҳар ва туманларида бўлиб, овоз бериш жараёни, сайловчиларнинг фаоллигини кўрғач, бунга яққол ишонч ҳосил қилдим. Шуни мамнуният билан қайд этишим мумкинки, сайлов жараёнида қонунга зид ҳолатларни умуман учратмадим. Аксинча, бу ерда мазкур сиёсий тадбирнинг боришини холисона кузатиш учун бизга барча шароит яратиб берилганидан мамнунман. Мамлакатингизда ҳар бир фуқаронинг сайлаш ҳуқуқидан эркин фойдаланиши, ҳоҳиш-иродасини эркин билдириши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бор, деб ҳисоблайман. Умуман, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таркиб топган сайлов тизими менга ёқди. Унинг ҳатто бошқа давлатлар кенг ўрганишга арзигулик жиҳатлари ҳам бор.

Ўзбекистон Марказий Осиёда катта салоҳиятга эга бўлган, ислоҳотлар натижасида халқ хўжалиги жадал ривожланиб бораётган давлатдир. Бу ерда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ана шундай муваффақиятнинг омили бўлмоқда. Ўзбекистон — Индонезия муносабатлари ҳам тобора ривожланиб бораётганидан мамнунман. Ўйлайманки, бундай дўстлик ва ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланади.

Яшар АЛИЕВ, Озарбайжон Миллий Мажлиси раисининг ўринбосари:

— Ўзбекистон халқи муҳим имтиҳондан, синовдан ўтди. Ўзининг ёрқин келажаги учун овоз берди. Истиқлол йилларида қардош ўзбек халқи кўп ютуқларга эришди: миллий қадриятлари тикланди, иқтисодиёти изчил ривожланмоқда, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлмоқда, бу юртда демократия қарор топиб, халқ фаровонлиги юксалмоқда. Бунда Президент Ислом Каримовнинг буюк хизматлари борлиги шубҳасиз. Президент сайлови халқаро меъёрларга тўла риоя қилинган ҳолда ўтди ва халқингиз ўз фикригагина таяниб, ўзи суйган, ишонган, суянган кишини ўзига Йўлбошчи этиб сайлади.

(ЎзА).

Яқинда республика Байналмилал маданият марказида яна бир ибратли тадбир ўтказилди. Турк маданият маркази томонидан ташкил этилган концерт унинг иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбирлар

ЯХШИ АНЪАНА

Маълумки, Туркияни Ўзбекистон билан узоқ ва мустаҳкам ҳамкорлик ришталари боғлаган. Шу боисдан ҳам ўтказилган ушбу тадбир томошабинлар эътиборига сазовор бўлди.

— Яхши анъанага кўра, — дейди турк маданият марказининг раҳбари, "Дўстлик" орденининг нишондори Умар Салманов, — бундай тадбирлар Тошкентда жойлашган ҳар бир маданият марказда ҳар ойда ўтказиб турилади. Бу гал эса бизларга навбат келди. Шу нарса қувончли эдики, томошабинлар орасида нафақат турк миллати вакиллари, балки бошқа миллатга мансуб кишилар ҳам бор эди.

Саҳнага чиққан "Севинч", "Нилуфар" ансамблининг қатнашчилари, сатира театрининг артистлари, жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Толиб Ҳожиев ва бошқа кўпгина санъаткорлар томошабинларга турк маданиятининг ранг-баранг қирраларини яна бир бор намойиш этдилар.

— Ўзбекистонда 40 мингдан зиёд турк истиқомат қилади, — дея сўзини якунлади Умар Салманов. — Мен шундан мамнунманки, бизлар шу заминда эмин-эркин яшамоқдамиз, бизнинг маданият марказимиз мавжуд, бизлар Ўзбекистоннинг саховатли заминида ўз урф-одатларимиз ва анъаналаримизни ёддан чиқармадик. Бу нарсалар жуда ҳам қувончлидир.

(Ўз мухбиримиз).

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига унинг Ўзбекистон Республикасининг Президенти юксак лавозимига қайта сайланганлиги муносабати билан самимий дил изҳори билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонларига кўра Шуҳрат Бегматов Қашқадарё вилояти ҳокими, Ўктам Исмоилов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тайинланди.

◆ Қаршида вилоят қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

◆ Урганчда замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган "Бизинтруд Хоразм" масъулияти чекланган жамият иш бошлади. Бу ерда трикотаж буюмлари, эркаклар костюмлари, мактаб ўқувчилари учун курткалар ишлаб чиқарилади.

◆ Андижоннинг шифокорлар шаҳарчасида Андижон тиббиёт институтининг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Миллий, замонавий меъморчилик услубининг уйғунлиги илм қошонаси кўркига кўрк қўшди.

◆ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва халқаро "Экосан" жамғармаси "Гриппнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни" мавзуида учрашув ташкил этди.

◆ Андижон вилоятининг қишлоқ қутубхоналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарларига бағишланган китоб кўргазмалари ташкил этилди.

◆ "Камолот" жамғармаси Бухоро бўлимининг ташаббуси билан "Биз — Президент фарзандларимиз" шиори остида вилоят ёшларининг оммавий анжумани бўлиб ўтди.

◆ Х. Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот марказида мамлакат эксперт хизматлари раҳбарларининг икки кунлик семинар-кенгаши ниҳоясига етди.

◆ Урганчда республикада фаолият кўрсатаётган ўттизта академик лицейларнинг директорлари ва муаллимлари учун семинар-кенгаш очилди.

ЖАҲОНДА

◆ Деҳлида Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси И. Мавланов Ҳиндистон Республикаси Президенти К. Р. Нарайананга ишонч ёрлиғини топширди.

◆ "Дилором" акциядорлик жамияти (собиқ Қўқон тикувчилик фабрикаси) маҳсулоти сифат бўйича Халқаро конференция томонидан юксак баҳоланди. Унинг раиси Альфонсо Касаль корхонанинг Халқаро пластик юлдузи билан тақдирланганлигини хабар қилди.

◆ Туркия Президенти Сулаймон Демирэл минтақада барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш бўйича Кавказ ҳужжатларини имзолашни таклиф этди. Расмий ташриф билан Тбилисида бўлган пайтида у ана шундай ташаббус билан чиқди. Ўз навбатида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе Туркия раҳбарининг бу ташаббусини муҳим ва тарихий деб атади. Шунингдек бу ерда Грузия-Туркия муносабатларини ривожлантириш бўйича қўшма декларация ҳам имзоланди.

◆ **Кеча** Финляндияда президентлик сайловлари ўтказилди. Ушбу лавозимга етти киши даъвогар эди. Биринчи босқичда номзодларнинг ҳеч бири керакли миқдорда овозни тўплай олмагани маълум бўлди. Уч ҳафтадан сўнг икки номзод — ташқи ишлар вазири Д. Халланен ва собиқ бош вазир Э. Аха иштирокида сайловларнинг иккинчи босқичи ўтказилади.

◆ Чилида социалистлардан номзод бўлган Рикардо Лагос президентлик сайловларида ғолиб чиқди. У сайловчиларнинг 51 фоиз овозини тўплашга муваффақ бўлди.

◆ Террорчилар томонидан гаровга олинган Ҳиндистонга қарашли аэробус йўловчиларини айирбошлаш мақсадида қамоқхонадан 31 декабрь куни чиқариб юборилган Азҳар Маъсуд Покистонда Кашмирдаги операция учун кўнгилларни тўплашга киришди. У яқин вақт ичида 500 минг жангарини тўплашини айтди.

◆ Ливия соҳилларида Швейцарияга қарашли хусусий самолёт ҳалокатга учради. Самолёт ичида турли мамлакатлардан 38 нафар нефтчи мутахассислар бор эди. Шунингдек экипажнинг икки аъзоси ва уларга ҳамроҳ бўлган кишилар ҳам самолёт ичида эди.

◆ Ҳаёт жуда ҳам ғаройиб воқеаларга бой. Мюнхенда истиқомат қиладиган ҳисобчи Петер Шелл роппа-роса етти куну етти тун танаффуссиз душ қабул қилди. Щелл бу "машғулот"ни янада узоқроқ давом эттириши мумкин эди. Лекин бахтга қарши унинг териси ёрилиб кетди.

◆ Олимларнинг хулосасига кўра, мушуклар ҳам ўзидан ультратовуш чиқарар экан. Лекин буни одамлар эшитмайди, фақатгина сичқонлар ва қаламушларгина уни яхши эшитар экан, холос.

Қурилиш

ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Ойбек кўчасига бундан бир йил аввал ташриф буюрган киши, бугун бу ерда қад ростлаган замонавий кўп қаватли турар жой биноларининг кўркидан ҳайратланиши табиий. Чиндан ҳам бири-биридан гўзал 6 та 9 қаватли бино кўчанинг чиройини очди.

Ушбу кўчада қурилган 1 ва 2-уйлар ўтган йили Наврўз байрами арафасида, 3, 4, 5-уйлар куни кеча — 2000 йил байрамига фойдаланишга топширилди. Айни кунларда эса 6-уйда охирги пардозлаш юмушлари ниҳоясига етмоқда. Бу уйларнинг барчасини 1-уй-жой қуриш комбинатининг 26-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қурдилар. Ҳар бири 18 хонадонга мўлжалланган 3, 4, 5-уйларни қуришда 200 нафарга яқин бунёдкор қатнашди. 3, 4, 5 хонали бу уйлар — "Ўзуйжойжамғармабанк" буюртмаси асосида қад ростлаб, унда яшовчилар учун барча қулайликлар ҳисобга олинган. Ошхонанинг кенг ва ёруғлиги, айвон ҳамда кир ёйиш учун мўлжалланган айвончалар хонадон эгаларининг кўнглидагидек.

— Қаторасига бир хил кўринишда тушган уйларнинг охиргисини ҳам эгаларига топшириш арафасида турибмиз, — дейди бригада бошлиғи Самиг Қосимов. — Албатта, айни кунларда ўз уйларини кўришга келган хонадон соҳиблари ишларимиздан мамнун эканлигини айтишмоқда ҳамда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Уларнинг фикр-мулоҳазалари пардозловчилар томонидан инобатга олинади. Янги уйларга мамнуният билан кўчиб келаётган оила аъзоларининг шоду хуррамлиги эса бизни янада сифатли ва баракали ишлашга, бундан ҳам чиройли уйлар қуришга ундайди.

Қурувчилар ҳар бир уйни қуриб битказишар экан, ўзларини енгил сезишади, чунки улар ваъдаларини бажаришади, қанча-қанча оилаларга шинамлик, қулайлик, бахт келтиришади. Ана шундай ўз касбидан фахрланиб ишлаётган Олим Қўзиев, Александр Камоликов, Виталий Суроский, ёрдамчи пудратчилар — 3-пардозлаш ишлари бошқармаси ишбошчиси Султон Саидмуродовлар зиммаларидаги вазифани охиригача сидқидилдан адо этишмоқда. Чунки улар қурувчилик касбининг қадрига етишади, шу боис ҳам масъулиятни ҳис эта оладилар.

Эрта-индин 6-уй эгаларига ҳам калитларни топширган қўли гул бунёдкорлар янада ўзгача ғайрат билан Чилонзор туманига отланадилар. У ерда ҳам кўркам уйлар қурилишига муносиб улуш қўшадилар.

Шарофат ИЛҲОМОВА.
СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Самиг Қосимов (ўртада) қурувчилар (ўнгда) Олим Қўзиев ҳамда Фурқат Мирзаматовларга топшириқ бермоқда; уйларнинг умумий кўриниши.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Нишондорларимиз

ДИЛБАНДЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАЙЛИК

"Меҳнатинг — зийнатинг" деган мақол бор халқимизда. Чиндан ҳам ҳалол ва баракали меҳнат ҳар бир инсоннинг зийнати, ҳамкасблари, элу юрт ўртасидаги ҳурматидир. Пойтахтимиздаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг илғор ишчиси Абдуғаффор Азизов ҳам иш кўзини биладиган, техника сирларини мукаммал эгаллаган бригадирлардан. Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ у "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди. Абдуғаффор Азизов билан суҳбатимизни ана шу юксак мукофот қувончларидан бошладик.



— Абдуғаффор ака, юксак мукофотга эришиш ўз-ўзидан бўлмаса керак?

— Мамлакатимиз Мустақилликка эришганида қалбимда ғурур, келажакка ишонч ярқ этди. Мана қаранг, ана шу ишонч мени юртим, халқим учун фидойи меҳнат қилишга ундади. Бугун эса меҳнатим, қолаверса ҳамкасбларимнинг мадади ўз нишонасини берди. Мен ўз Мустақил давлатимнинг мукофотига сазовор бўлдим. Бу нафақат менга, мамлакатимиз аҳолисининг маънавиятини юксалтиришга ўзининг ранг-баранг маҳсулотлари билан ҳисса қўшаётган корхона аҳлига берилган юксак баҳодир. Ушбу мукофотга албатта, касбимга бўлган муҳаббат боис эришдим десам муболаға эмас. Чунки қарийб 30 йилдирки шарафли ҳунаримни эъзозлаб келаман, ҳар доим изланиб, ўрганиб чарчамайман.

— Ҳар бир касбнинг ўз сир-асрори бўлади. Ана шуни пухта эгаллаган инсонгина муваффақиятларга эриша олади. Сиз асосан иш фаолиятингизда нималарга эътибор қаратасизу у ютуқларингиз гарови бўлади?

— Ушбу корхонага 1967 йилда шогирд бўлиб ишга жойлашдим. Астойдил қизиққанимданми тезда кўникиб кетдим, ишим ўзимга жуда ёқарди. Мен ишлаган вақтимдаги кичкина цех айни пайтда замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган, сифатли ва рақобатбардош матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи катта корхонага айланди. Менинг ҳар доим ўз иш режам бор. Бугунги кунда бригада сардориман. Шу боис ҳам ҳар куни ишга вақтидан ярим соат олдин келишга одатланганман. Дастгоҳлар созлигини эътибор билан кузатаман. Иш бошлашдан аввал эса, албатта, бригада эъзолари билан бугун қилинажак вазифамизни аниқ белгилаб оламиз. Ким нимага масъул? Бизнинг бригадада бу ҳар доим аниқ бўлади. Шу боис ҳам маҳсулотларимиз — рангли китоб, журнал муқовалари, этикеткаларимиз сифати аъло, буюртмачиларимиз мамнун бўладилар. Шуниси муҳимки, бригадамиз аъзолари хом ашё исрофгарчилигига йўл қўймайди, чунки тежалган хом ашё ўзимизга даромад келтиради.

— Офсет цехи бошлиғи Маҳмуд Минаваров билан суҳбатлашганимизда сизни "Талабчан устоз, шу билан бирга нафақат ўз касбининг, балки бошқа ҳунарларнинг ҳам устаси" деб таърифладилар.

— Ҳақиқатан ҳам ёшларга талабчанман. Уларнинг иш бошлашиданоқ лаёқатини сезиб оламан. Лекин улардан бор тажрибамни, маслаҳатимни ҳеч қачон аямайман. Ана шунданми, бригадамизда ўзаро ҳамжиҳатлик бор. Ёшларимиздан Убайдулла Турсунов, Толиб Эшбоев ҳамда ўз фарзандим Абдужаббор Азизовлар энг яхши шогирдларимга айланишган. Ўзимда борини уларга ўргатаман. Ахир инсоннинг кетидан қоладиган излари — шогирдлари бўлса, унинг иши ҳам унутилмайди.

Энди бошқа ҳунарларга келсак, техника-техникада, яхши қарамасангиз ёки беҳосдан панд бериб бузилиб қолиши ҳеч гап эмас. Ана шундай пайтда пайвандчи, созловчи ва бошқа усталарни кутиб ўтирмай, тезда ўзим ишга киришиб кетаман, бригада аъзоларига ҳам бу одат бўлиб қолган. Унча-мунча носозликларни ўзимиз созлаб ишни тўхтатмасликка, буюртмаларни ўз вақтида сифатли тайёрлашга интиламиз.

— Ҳамкорликка муносабатингиз?

— Ҳамкорликда гап кўп. Ҳозирда биз Германиянинг 4 хил ранг берувчи "Планета" дастгоҳида ишлаяпмиз. Меҳнат фаолиятим давомида тажриба алмашиш учун Германияга бориб келдим. У ерда Ўзбекистон тарихи бўйича китоб тайёрлаб келдик. Ўз навбатида ҳамкорлардан кўп нарса ўргандим ва бу ерда ўша тажрибаларимни қўллаяпман. У ердаги ишчи, усталарнинг бир-бирига муносабатлари, ўзаро ҳамжиҳатликка ҳавас қилса бўлади. Яна улар иш вақтидан оқилона фойдаланишади.

— Сиз учун энг муҳим нарса нима?

— Одамлар назаридан четда қолмаслик. Ҳамиша одамлар орасида, уларнинг корига яраб юриш.

— Режаларингиз...

— Элим, халқим эътиборини қозониб шундай юксак мукофотга сазовор бўлганимдан нафақат ўзим, бутун оила аъзоларим мамнун бўлишди. Оила даврасида — 5 фарзанд, 15 набираларим табригини қабул қилар эканман, уларнинг шодон чеҳраларига қараб халқ ишончини бундан буён ҳам оқлашга, мукофотга муносиб меҳнатим билан жавоб беришга аҳд қилдим.

— Ёш ишчиларга тилакларингиз борми?

— Бугунги ёш ишчиларимизга кенг имкониятлар очилди. Мустақил давлатимиз корхоналарига замонавий, юксак унумли чет эл дастгоҳлари ўрнатилмоқда. Уларни бошқаришни қунт билан ўрганиб, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ёшларимиз асло толмасинлар. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар чет эл бозорида ўз ўрнига эга бўлсин. Энг муҳими, Ватанни севиш, ўз халқини эъзозлаш, Мустақиллигимизни асраб-авайлаш ҳар бир фарзандимизнинг юксак бурчи бўлсин, улар маънавиятли ва маърифатли кишилар бўлиб етишсинлар. Токи биз оталар ўз дилбандларимиз билан ҳамиша фахрланайлик.

Шарифа ИЛЁСОВА.

СУРАТДА: Абдуғаффор Азизов ишлаб чиқараётган маҳсулоти билан.

Рустам Шарипов олган сурат.

«ОҚШОМ»ГА ХАТЛАР

Муштарий хабар беради...

ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Яқинда шаҳримиздаги Бектемир тумани ҳокимлиги биносида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ажратилган хайрия-эҳсон совғалари 30 нафар ёлғиз фахрийлар ва ногиронларга топширилди.

Шунингдек, туман бўйича 65 нафар фахрийларга кийим-кечаклар ажратилди.

— Бундай меҳр-мурувват тадбирлари туманимизда тез-тез ўтказилиб турилади, — деди Бектемир тумани ҳокимининг ўринбосари Ҳайдарали Муҳаммадалиев. — Фахрийларимиз, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳамиша бизнинг эътиборимизда. Уларнинг қувончи бизнинг ҳам севинчимиздир.

Усмон УСМОНОВ, мусиқачи.

мақтайди...

УЗОҒИМИЗ ЯҚИН БЎЛДИ

Кўп вақтлардан бери Бойсун кўчаси бўйлаб транспорт юрмай қўйган эди.

Мана ўтган йилнинг кузидан бошлаб 5-автокорхона мутасаддилари томонидан 5-маршрут такси йўналишга қўйилди. Бу маршрут такси Амир Темур шоҳбекатидан Янгиобод даҳасигача қатнаб аҳолининг узоғини яқин қилди. Биз 5-автокорхона мутасаддиларига ва машиналарнинг ўз вақтида қатнашини таъминлаётган ҳайдовчиларга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Йўловчилар номидан: Дилобар МЎМИНОВА, хизматчи.

илҳомланади...

ВАТАН

Обод Ватанимсан мустақил макон,
Она қалбидек пок, яқин меҳрибон.
Гўзал бир диёрсан боғларинг кўркам,
Шоирга достонсан, жонажон ўлкам.

Беғубор меҳрингдан олам мунаввар,
Лойиқсан мақтовга, рост айтсам агар.
Боғрингда ўсмоқда соғлом авлодинг,
Турсин қуёш янглиғ, асл сарбонинг.

Сенга тўкилгандир меҳрлар буткул,
Доим мадҳиянгни куйлайди булбул,
Боғрингда ёшларинг, қалбида ихлос,
Улуғ бир Ватан бу, шу ёшларга мос.

Жаҳонга кўзгусан, ер узра машъал,
Қитъалардан ошган номинг ҳам азал.
Меҳрингга меҳрлар қўшилган қайдан?
Оллоҳ меҳри тушган, ўзингсан Ватан.

Ўлмас ҲАСАНБОЙ, пенсионер.

танқид қилади

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Пойтахтимиздаги Ҳомидхонов ва Талабалар кўчалари орасидаги "Саидова" кўчаси газетада чиққан танқидий мақоладан сўнг хатоси тўғриланиб, "Саидов кўчаси" деб ёзиб қўйилганлиги қувонарли ҳолдир.

Лекин шуниси ажабланарлики, ўша ёзувни кўчадаги деворларга осиб қўйиш пайтида яна бир хатоликка йўл қўйилганлиги масъулиятсизлик ёки бепарволикнинг бир кўринишидир. Чунки "Саидов кўчаси" деб ёзилган металл тахтачалардан бири Ҳомидхонов ва Саидов кўчалари кесишган жойда Саидов кўчасининг бошланиш қисмига ўрнатилиши ўрнига, шу ерда жойлашган Республика кўз касалликлари клиник шифохонасининг Ҳомидхонов кўчаси бўйлаб кетган деворига ўрнатиб юборилган ва натижада Ҳомидхонов кўчаси Саидов кўчасига айланиб қолган.

Лекин шу пайтгача мутасадди ташкилотлар бунга бепарво қарашаётгани кишини ажаблантиради.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ, ҳуқуқшунос.

"Оқшом"да босилмаса ҳам...

АҲОЛИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

"Тошкент оқшоми" таҳририятига келган хатлардан бирида Шайхонтоҳур туманидаги "Гулобод" мавзесига қарашли бир қатор уйлардаги камчиликлар, чунончи ёмғирли кунларда юрилса одамнинг ботиб қолиши, уй ертўлаларининг сув босиб ётганлиги, уйларнинг йўлакларига кираверишдаги эшикларнинг яроқсизлиги, синиб ётганлиги баён этилган эди. Ушбу хат текшириб кўриш ва чора-тадбирлар кўриш учун Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигига юборилган эди. Ушбу хатга туман ҳокимининг ўринбосари, коммунал-фойдаланиш бошқармаси бошлиғи С. Анорбоев имзоси билан жавоб хати келди. Унда жумладан шундай дейилади:

"Шайхонтоҳур тумани коммунал-фойдаланиш бошқармаси "Гулобод" мавзесидаги бир қатор уйлар хусусида таҳририятга ёзилган мактуб юзасидан шуни маълум қиладики, бугунги кунда бу уйларда иссиқлик тўла мавжуд, совуқ ва иссиқ сувлар бор, 79-уйнинг ертўласи қуп-қуруқ, чивинлар мутлақо йўқ, ертўла эшиги қулфлоғлиқ, уйнинг атрофи супуриб турилади, чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмоқда. 73 ва 84-уйларнинг оралиғида "Тошиссиқлик" корхонаси қазиш ишларини олиб борган эди. Ишлар тугалланганлиги сабабли бу уйларнинг оралиғидаги йўлларда асфальтлаш ишлари олиб борилди. Уйнинг ҳамма йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди, уй томлари таъмирланди, ундан чакка ўтмаяпти".

Ҳамкорлик

«ТАТРА» ВА «ШКОДА»ЛАР КЎПАЯДИ

Бугунги кунда республикамиз пойтахти Тошкентда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда ўртача 360 га яқин трамвай вагони, 310 дан ортиқ троллейбусдан фойдаланилмоқда. Шу транспорт воситаларидан юзга яқини «Татра» трамвайи ҳамда 140 га яқини «Шкода» троллейбуслари ҳисобланади.

Йўловчиларга жуда қулай бўлган бу хил транспортлар Чехияда тайёрланиб, республикамизга келтирилди. Шу билан бирга чех техникаси шаҳар йўловчи транспортида кенг фойдаланилмоқда.

— Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, мамлакатимизнинг Чехия Республикаси билан иқтисодий алоқалари кучайиб кетди, — дейди Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш корхоналари Давлат уюшмаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Юрий Костров. — Чехиядан ўнлаб транспорт воситаларининг юртимизга олиб келиниши бунга яққол мисолдир.

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси ҳозир Чехиядаги «Мотоков», «Прага-холдинг», «Шкода Остров», «Шкода-Пльзень» каби транспорт корхоналари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини боғлаган. Ўзаро келишувга биноан бу корхоналар ўз маҳсулотларини Тошкентга юбора бошлади.

Тошкентда «Чехия Республикаси савдода ишончли шерингиз» деган шиор остида ўтказилган халқаро кўргазмада юқорида санаб ўтилган чех корхоналари машинасозлари қўлидан чиққан замонавий транспорт воситалари намуналари ҳам муваффақиятли намойиш этилди. Мазкур экспозиция кунларида уюшмамиз чех мутахассислари билан навбатдаги битимларни имзолашга эришди. «Тошкент Татра Сервис» деб ном олган ўзбек-чех марказининг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди. Чех трамвай ва троллейбусларини таъмирлаш билан шуғулланадиган бу марказ янги битимнинг ижроси сифатида юзага келди.

«Тошкент Татра Сервис» марказининг очилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳозир шаҳримизда қатнаб, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатаётган троллейбусларнинг 30 фоиздан ортиғи «Шкода», деярли 40 фоизи «Татра»лар ҳисобланади. Янги марказ эса ана шу трамвай ва троллейбусларга намунали техник хизмат кўрсатиш ва уларни сифатли таъмирлаш билан шуғуллана бошлади. Бу эса улардан тўла ишонч билан фойдаланиш имконини беради, албатта.

Ҳамкорлик битимида чех транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш билан бир қаторда Чехиядан қўшимча трамвай ва троллейбуслар келтириш ҳам кўзда тутилди. Шунга кўра Чехия томони Тошкентга яна кўплаб транспортлар юборади. Жумладан, 2000-2001 йилларда уюшма «Татра» трамвай вагонларидан яна 74 тасига эга бўлади. Айни вақтда сервис маркази махсус механизмлар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминланади.

«Шкода» троллейбусларининг янги туркуми ҳам олинади. Шу яқин йиллар ичида 100 дона чех троллейбуси келтирилиб, ҳаракат таркибидан ўрин оладиган бўлди. Шунингдек, чех корхоналари бу транспорт воситалари учун махсус техник жиҳоз ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришни ўз зиммаларига олдилар.

Шу тариқа шаҳримиз транспорти чех «Татра» ва «Шкода»лари билан бойиб, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишда қулайликлар муҳайё этилмоқда.

Акбар ВАЛИЕВ.

Транспорт

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Шаҳримиздаги мавжуд автокорхоналар ичида йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш борасида 3-автосаройга етадигани йўқ. Бу жамоанинг 85-йўналишдаги ҳайдовчилари ўз зиммаларидаги бурч ва режаларни ортиғи билан адо этишмоқда. Айниқса 30 йилдан буён ўз касбини шарафлаб келаётган Файзулло Исматуллаев ўтган ой режасини 107 фоизга адо этиб, йўловчилар узоғини яқин қилишда алоҳида ҳисса қўшмоқда.

—Устозим Ниғмат ака Ортиқовдан ҳайдовчиликнинг кўп сирларини ўрганаётган вақтимда қачон устозлик қилиш насиб этар экан деб ўйлаб кўяр эдим. Оллоҳга минг қатла шукрки, мана бугунги кунга келиб шогирдларим ҳам ўзим билан ишлашмоқда. Улардан бири Ринат Баҳодировдир. Мен ҳайдовчилик касбини танлаганимдан фахрланаман. Шу касб орқасидан халққа хизмат қилаяпман. Севимли рафиқам, тўрт қизим ва уч нафар невараларимга бош-қош бўлиб юрибман. Шунингдек жамоанинг йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш борасидаги юмушларида яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилаяпман.

Тўйчи ТОЛИПОВ, меҳнат фахрийси.

Маълумки, Конституциямизнинг 28-моддасида Ўзбекистон фуқаролари республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиши ва ундан чиқиб кетиши ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Фуқароларнинг бу ҳуқуқни амалга оширишлари учун муайян ҳуқуқий тизим керак бўлади, албатта. Паспорт тизими ана шу ҳуқуқларни рўёбга чиқаришнинг муҳим кафолати сифатида алоҳида ўрин тутади.

Фуқароларнинг асосий ҳужжати

ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги низомни амалга киритиш ҳақида"ги Фармонига мувофиқ 1995 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида янги паспорт жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бўлиши шарт.

Паспорт бу фуқаро ва давлат ўртасида вужудга келадиган муайян ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Бинобарин, паспорт эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясида бўлади. Давлат ушбу паспорт асосида паспорт эгасини ҳимоя этиш чораларини кўришга мажбур. Фуқаро эса ҳимояда бўлиш ҳуқуқига эга. Бу борада вужудга келадиган муносабатлар паспорт тизимига мувофиқ тартибга солинади.

Фуқароларнинг республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчишларини қонуний равишда таъминлаш учун паспорт тизими муҳим ўрин тутади. Давлат ўз фуқароларининг яшаш тарзи, амалга ошираётган фаолиятлари устидан назоратни ўрнатиш, ҳар қандай ноқонуний равишда истиқомат қилиш, тегишли мажбуриятларни бажаришдан қочиш каби ҳолатларнинг бартараф этилиши гарови ҳисобланади. Агар бу назорат лозим даражада ўрнатилмаса турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бинобарин, 16 февраль воқеаларига назар ташлайдиган бўлсак кўпгина ҳуқуқбузарлар, аниқроғи жиноятчилар ўз жиноий фаолиятларини Тошкент шаҳрининг қатор туманларида ўрнашиб олиб амалга оширганликларининг гувоҳи бўлдик. Нима учун бу жиноятлар олдиндан маълум бўлмади? Нега бу ноқонуний ҳаракатлар тайёргарлик босқичидаёқ тугатилмади? Бунинг асосий сабаби уларнинг назоратдан четда эканлиги, ноқонуний равишда паспорт тизими қоидаларини бузган ҳолда истиқомат қилганлигидир. Бу эса ўзининг хавфли таъсирини кўрсатди. Бу ҳол ўз навбатида паспорт тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилиши лозимлигини муаммо қилиб қўйди. Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралда "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ва республикада паспорт тизимини такомиллаштириш, ҳорижий ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришга ва ҳудудида бўлишни тартибга солиш мақсадини кўзлайди. Ушбу Фармон ҳорижий фуқаролар, жумладан МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан белгиланган тартибда яшаш учун берилган гувоҳномаси бўлгандагина доимий қайддан ўтиш ҳуқуқига эга эканлигини МДҲга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уч кундан ортиқ бўладиган фуқаролари истиқомат жойида вақтинчалик қайддан ўтиши тартибини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига кириш визаси билан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визада кўрсатилган муддат билан вақтинча қайд этилишлигини эътироф этади. Шунингдек, Фармонда Қорақалпоғистон Республикаси Жоқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудида, жумладан, МДҲга аъзо давлатлар фуқароларига ва хорижий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳномалар бериш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларни доимий қайд этиш масалаларини кўриб чиқиш учун махсус комиссиялар тизимининг шартлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, паспорт тизимини тартибга солишда махсус комиссияларнинг фаолияти шу масалага қаратилди.

Паспорт тизимини такомиллаштириш белгиланган қоида талабларига тўғри ва тўла риоя этилишини таъминлаш, ҳар қандай қоидабузарликларга нисбатан жиддий чоралар кўриш, жавобгарлик масаласини белгилаш орқали таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 223-моддасида (паспорт тизими қоидаларини бузиш), Ўзбекистон Республикаси МЖТК 224-моддасида (Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш) паспорт борасида йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳаракатлар учун жавобгарлик масалалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 223-моддаси "Паспорт тизими қоидаларини бузиш" учун маъмурий жавобгарлик ҳақида бўлиб "Паспорт бўлиши шарт бўлган фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан пропискасиз ёки рўйхатдан ўтмай яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек, паспортни беparволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши — энг кам иш ҳақининг 1/2 қисмидан бир бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг, фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан ёхуд пропискасиз ёки рўйхатсиз яшашга йўл қўйиши, худди шунингдек фуқароларнинг ўз турар жойларида паспортсиз, пропискасиз ёки рўйхатдан ўтмаган шахслар яшаб туришига йўл қўйиши энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, худди шунингдек пропискасиз ёки рўйхатдан ўтмай яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилиш, шунингдек фуқаролардан паспортларни қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки уларнинг паспортларини гаровга олиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, паспорт тизими қоидаларини бузиш маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаряпти.

Паспорт тизимини бузишнинг олдини олиш борасида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур, Юнусобод туманларида кўплаб ишлар қилинди. Жумладан, Юнусобод туманининг Машинасозлар кўчаси, 1-уйда жойлашган "Электосигнал" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ётоқхона текширилганда ётоқхона қоровули ўрнига маблағ йўқлиги сабабли ва штат қисқартирилганлиги оқибатида бино қаровсиз қолгани, ётоқхонанинг томига олиб чиқувчи эшиклар очиқ ҳолатда бўлиб, фуқаролар хавфсизлиги таъминланмагани, натижада мазкур ётоқхонада ноқонуний равишда 14 та фуқаро истиқомат қилаётгани аниқланди ва улардан умумий миқдори 12.250 сўм миқдорида жарима ундирилди. Шайхонтоҳур туманининг "Пахтакор" метро бекати олдида жойлашган, А. Икромов тумани, Энтузиастлар кўчаси, 12-уйда истиқомат қилувчи, 1939 йилда туғилган фуқаро Лутфулла Розиқовга тегишли бўлган "Абдулло" ошхонаси ва новвойхонаси текширилганда 1959 йилда туғилган Саид Авезов, Бухоро вилояти, Файзулла Ҳўжаев жамоа хўжалиги, Болничний кўчаси, 23-уйда истиқомат қилувчи 1982 йилда туғилган Ёқубжон Савезов, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Гўшон қишлоғи, 27-уйда истиқомат қилувчи фуқаролар рўйхатдан ўтмасдан ва антисанитария ҳолатида бир ойдан бери ишлаб келаётганликлари маълум бўлди. Хизматчи кўчаси, 7-уйда жойлашган новвойхонада ҳам Андижон вилояти, Избоскан туманилик 1970 йилда туғилган Шокиржон Тожибоев, унинг рафиқаси, 1973 йилда туғилган Шаҳноза Ҳакимова ва Наманган вилояти, Норин тумани, Норин жамоа хўжалиги, Сойбўйи кўчасида истиқомат қилувчи, 1961 йилда туғилган Имонали Қўчқоровлар антисанитария ҳолатида ва рўйхатдан ўтмаган ҳолда ишлаб келишган. Бу фуқаролар Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармасига олиб келиниб, уларга тегишли маъмурий чоралар кўрилди.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган барча қонуний, меъёрий ҳужжатлар, қонунларнинг барчаси юқоридаги сингари салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилганлигини унутмаслик керак.

Абдуҳафиз РУСТАМОВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармасининг бошлиғи.

Ҳаким НАЗИР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ГУЛОЙИМ

(Бўлган воқеа)

Ҳар кунги одатимизча аяжоним билан эрта азондан айвонда иш бошладик. Аяжоним катта тоғорада хамир қоришга, мен гўшт қиймалагичда гўшт қийма чиқаришга тушдик. Худди шу пайт эшикдан яқин танишимиз Санобар опа кириб келди. Ёшгина, қувноқ, ширинсўзгина бўлган бу аёл яқинимиздаги болалар боғчасида мудира бўлиб ишлайди.

— Вой, Гулойим, нима ҳаракат? Меҳмон келадиганми дейман-а? — деди у бизнинг ҳаракатимизни кўриб.

— Меҳмоннинг олди Сиз-да, Санобархон, — дедила аяжоним унга елкаларини тутиб кўришгач. Қўлларини хамирдан тозалаб, жой тайёрламоқчи бўлгандила, Санобар опа тўхтатди. Айвон лабига ўтирди-да, гап бошлади:

— Биласизми, Гулойим, невараларингиз Сизни жудаям соғинишган. Кунига «Гулбувим қачон келадилар?» деб сўрайверишади. «Эртага» десам, эртаси яна боягидай чекка-чеккадан сўраб чувирлашган. Борингки, баъзилари «Гулбувим келмасала, менам келмайман» деб аразлашади. Ўзингиз айтиб, китоблардан ўқиб берган қизиқ эртаклар, ҳикояларга, ҳазил топишмоқларингизга ўрганиб қолишган-де, шуларни хумориси тутяпти. Мен уларни тинчитолмай гарангман.

Аяжоним ўйланиб қолдила. Улар ўша боғчада бош мураббий бўлиб ишлайдила кўп йиллардан бери. Мен туғилмасимдан анча илгаридан. Улар тарбиялаб чиқарган болалар неча юзтагаям етибди. Аяжонимни азбароби яқин кўришганидан «Гулбувижон» деб ҳурматлашар, шундай севишарканки, доим атрофларида парвонадай гирдикапалак бўлишаркан. Аяжоним ҳам уларни ўз набиралридай яхши кўрарканлар. Олдинги набиралар катта киши бўб қолишсаям аяжонимни унутишмас, тез-тез келиб кўриб туришаркан. «Энг олдин тарбияланиб чиққан болаларим ҳозир оилали бўлишган. Энди ўз болаларини ҳам менга келтириб беришяпти» деб қўярдилар аяжоним фахрланиб. Таътилга чиққанларига бир ойдан ошиб кетди. Шундай бўлса ҳам ишга бормай қўйдилар. Бунинг сабаблари бор эди. Буни ҳеч кимга айтмасдилар. Айтишга тиллари бормасди. Санобар опага ҳам нима дейишларини билмай иккиланиб турдилар. Фақат «Уйда озгина юмуш чиқиб қолди» дегандилар. Санобар опа илжайди-да:

— Озгина юмушингиз чиққанлигидан хабарим бор. Аммо буни юзингизга айтишга менинг ҳам тилим бормай турибди, — деди маъноли боқиб.

Аяжоним бетлари қизаринқиради. Мен ҳам уялиб ерга қарадим.

— Билсангиз бемалол айтаверинг, — дедилар аяжон.

— Тўғриси, бу юмушингизнинг ҳеч хижолатли жойи йўқ. Рўзғор деган ташвиш мажбур қилганидан, — деди Санобар опа юпатиш билан. Кейин эри Ғуломжондан эшитганларини айтиб берди.

— Ғуломжон ака мактабда ишлайдилар. Маҳалла оқсоқолига ёрдамчилик ҳам қилиб, ҳаммани танийдилар, ҳамма гапдан хабардор бўлиб турадилар. Яқинда мендан: «Гулойим боғчадан кетганмилар?» деб сўраб қолдилар. «Нега ундай дейсиз?» десам, «Гулойимнинг қизлари мактаб ёнидаги гузарда сомса сотиб ўтирибди. Бир марта Гулойим қизлари ёнига тоғора келтириб берганларини кўрдим» дедилар. Бу воқеа бизни анча ўйлатди. Кейин Ғуломжон ака: «Бу ишнинг бош сабабчиси албатта Нурбек ака бўлади» деган фикрга келдилар.

— Тўппа-тўғри! — дедилар аяжоним жим туролмай. — Нима қилай, синглим, жўжабирдай жонмиз. Мана икки ойча бўлдики, Бекаканг бекорчи бўлиб қолди. Сариқ чақа топиш йўқ. Эшитгандирсан, бир хунук иш қилиб қўйди. У шопир эмасми, катта новвойхонадан эрта азонда дўконларга иссиқ нон етказиб берувчи эди. Бир куни кечаси маст бўлиб келди-ла, эрталаб бош кўтаролмади. Жойларга нон кеч бориб, одамларнинг қарғишига қолди. Идорасидан «лаънатнома» беришди. Ўзи доим мақтов эшитиб шишиниб кетганди. Жазони кўтаролмай, шартта ариза бериб ишдан бўшаворди.

— Тушундим. Шу сабабдан ҳам турмуш оғирлиги сизнинг бошингизга тушибди. Тағин ҳам бу Яйра қизингиз чаққонгина чиқиб, жонингизга оро киряпти экан. Ахир оилада олти жонсизлар, шунча жонни боқиш ўзи бўладими! — деди афсусланиб Санобар опа. У ийманиб қўшиб қўйди. — Бекакамнинг яна баъзи қилиқларини ҳам эшитдим...

Буёғига, негадир мени эшитмасин деб шивир-шивирга ўтди. Адам тўғрисида алла нималарни айтиб берди. Охирида ўрнидан тураркан, аяжонимга ялиниб-ёлборди:

— Бормасангиз бўлмайди, Гулойим! Невараларингиз ҳам, уларнинг оналариям сизни зориқиб кутишяпти. Мен бошлиқлар билан сўзлашиб олдим. Моянангизни ошириб берадиган бўлишди...

— Бошлиқларни бекор безовта қилибсиз-да, синглим! Мен ҳам болажонларимни жуда соғиндим. Уларнинг ўртасида бўлсам, ҳамиша кўнглим яйраб турарди. Боргим келяптию нима қилай, яна бироз вақт сабр қиласизлар, шекилли...

— Ишқилиб тезроқ боринг, жон Гулойим, — деб ялинганча хайрлашди Санобар опа.

Шундан бошлаб уйимизда диққатбозлик тағин ортди. Аяжоним қанчалик феъли кенг, ялхак бўлишларига қарамасдан, авзолари ўзгарган, руҳлари пасайган, акаукаларимни ҳам эркалашга тиллари бормай қолганди. Адам билан-ку муомалаларига биринчи марта совуқлик тушган, бу ҳол ҳар сўзларида сезилиб турарди. Кутилмаганда бир куни кечаси ғижиллашиб қолишди. Бизни ухлаган деб ўйлашди шекилли, қаттиқ-қаттиқ айтишишарди. Олдин гапни аяжон бошлагандилар:

— Сизнинг кўчада кўрсатаётган бари қилиқларингиздан хабардорман! — дедилар жеркиб. Айтишларига қараганда, адам чойхонада гап сотиб вақт ўтказаркан. Карта ўйнаб қиморбозлик ҳам қиларкан. Ароқ ичволиб, одамларга «Мен уруш ногирониман» деб кирилларканлар. Адам Афғон урушида қатнашганларида бир оёқларининг жимжилоғи яраланган экан. Яра битиб кетганига қанча вақт бўлган бўлсаям, ўшани пеш қилаверарканлар. Бунинг устига тунов куни кўпроқ ичиб маст бўлибдилар-да, чойхўр ҳамроҳлари билан уришиб қолибдилар. Биттасини бутилка билан урган эканлар, қўли лат еб, қўл соати синибди. Кейин адамни маҳаллада суд қилиб, қаттиқ қоралашибди: «Чойхонада қиморбозлик қилиб, маҳалламиз обрўсини тўкувчи, хотинини ишлатиб қўйиб, унинг ҳисобига харалла-таралла қилиб юрувчи номард!» деган иснодларга қолибди. Ҳамроҳига етказган зарарини қоплаш учун каттагина жарима солишибди.

— Сен бу гапларни кимдан эшитиб олганингни биламан. Мени ёмон кўриб қолган одамнинг ғийбати бу! — дедилар адам бўғилиб.

— Аввало-чи, адаси, шуни билинг: Сизни ёмон кўриб қолган одам биттамас. Ундан сўнг бу гапларни ғийбат деб бўмийди. Оппа-очиқ ўзингиз кўрсатган қилгуликлар!... — Аяжон шу гапларни айтдилар-у бирдан ҳўнграб юбордилар.

Шу кеча мен ухлолмай, у ёнбошим билан бу ёнбошимга ағанаб чиқдим. Аяжонимнинг ҳам ухлолмаганлари қип-қизариб кетган кўзларидан билиниб турарди. Азонлаб ҳар кунги ишимизни қилдик. Сомса тайёр бўлиб, аяжоним уни кўтаришиб бормоқчи бўлгандилар, мен йўлни бошқа ёққа бурдим.

— Гузар буёқда қолди-ку, Яйра қизим, — дедилар муюлишда тўхтаб.

Ҳар куни бораётган жойим мактаб яқинида, танишлар кўп бўлгани учун оёғим тортмади. Худди танишлар: «Ана палон пиянистанинг қизи!» деб менга масхара билан қарашаётгандай сездим.

Бошқа томонга бориб сомсани сотиб келгунимча мактаб вақтим зиқ бўлиб қолганди. Мактабга боришга оёғим тортмай турганди. Аяжонимдан қўрққанимдан бордим. Мен еттинчи синфнинг аълочиларидан эдим. Кейинги ойда ўқишимнинг мазаси қочди. Ярим куним иш билан ўтиб, дарс тайёрлашга вақтим етмаётганди-да. Иккинчи сменада ўқисам ҳам баъзан дарсга кечикиб бориб, дакки эшитадиган бўлиб қолдим. Ҳозирга келибчи, мактабда ҳам болалар, ўқитувчиларнинг бетларига қараёлмайдиган бўлдим, худди ҳамма мени мазах қилаётгандай туюлаберди.

Кунларимиз ана шунақа кўнгилсизлик билан ўтаётган, еган-ичганимизда халоват йўқ эди. Ҳар икки-уч кунда Санобар опа келиб, аяжонимни тезроқ ишга борақолинг деб қистаб кетарди.

Шундай кунлардан бири азонда биз кундалик тирикчилигимизни бошлаб тургандик. Адам шошиб-пишиб ўриндан турганларича жомакорни кийдилар-у нонуштага ҳам ўтирмасдан кетдилар. Аяжоним улар билан гаплашмаётганлари учун, менга:

— Бор, адангдан сўраб қол, қаёққа бораётган экан? — дедилар.

Мен адамнинг кетларидан югуриб бориб сўрасам, «Ишга!» деганча кетиб келдилар.

Биз она-бола ҳайрон бўлганча қолдик...

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб донО бўлур...

◆ Эй, бенаво киши, илм олишга ҳаракат қил! Илмсиз ва ҳунарсиз киши ўз диёрида ҳам, ўз қариндошлари олдида ҳам хор ва беэътибор бўлади. Илмли ва ҳунарли кишилар қайда бўлмасинлар, қаергa бормасинлар, иззат ва ҳурматда бўладилар. Авлод ва аждодингнинг ҳунар ва илмига мағрурланиб лоф урма, наслу насабингни пеш қилиб, яшашга интилма!

Маснавий:

Ўзингни ҳунаринг билан кер кўкрак,
Авлодинг шуҳратин айлама тирғак.
Ўлик билан тирик юрмагин, ўрток,
Ўликни тирилтир аксинча, ҳар чоқ.

◆ Эй, фарзанд, қариндош-уруғларингга тамао кўзи билан боқма! Улардан доимо бирор нарса умид қилиш нотўғридир. Сен имкони борича, ўз қўлинг кучи билан нарса топ! Йўғу борликда донолар каби сабр-қаноатни пеша қил. Бировга қилган яхшилигингни унут, бировлар яхшилигини унутма! Сиру асрорингни бировга айтма, фитна-фасод кўзғатувчи сўз айтгандан кўра, гапирмай хомуш ўтирган афзалдир. Бировга чоҳ ковлама. Бировга чоҳ ковлаган киши ўша чоҳга ўзи йиқилади.

ҚИТЪА:

Ҳар ким эгри фикр, ёмон феъл бўлса,
Ҳеч ерда ҳеч қачон яхшилик кўрмас.
Ҳар кимса ёмонлик дарахтин экса,
Манфаат мевасин ҳеч қачон термас!

◆ Бахтиёр бўлишни истасанг, қуйидаги хислатларни ўзингда мужассам қилгин:

Аввало, ота-она ҳақини адо қил! Ота-она хурсандчилиги киши учун дунёда катта давлатдир.

Ёши улуғ кишиларни иззат ва ҳурмат қил. Кичикларга шафқат ва марҳамат кўрсат!

Кибр ва ғурурдан узоқ бўл! Кибр кишини эл орасида хор ва беэътибор қилади.

НАЗМ:

Кучинг борки, кибрга бўлма йўлдош,
Кибр бир кун кўзингдан тўккуси ёш.
Такаббур бўлмаса одам жаҳонда,
Яшар иззатда-ю бўлгай омонда!

Муҳаммад ХУСАЙН.

◆ Айтишларича бир камбағал киши бор эди. У бир бадавлат кишининг қўшниси эди. Бадавлат киши қўшнисидан доим хабар олиб турар, ёғ ва асалларидан унга узатиб турарди. Камбағал киши шу туфайли қийналмай ҳаёт кечирарди. Бадавлат киши эса, унинг ҳамсоялик ҳурматини жойига қўяр, қўлига нимаики тушса, албатта қўшнисига ҳам киргизарди. Бадавлат киши асал билан ёғ юборганда камбағал киши уларни кўзага солиб қўярди. Бир куни қараса, кўза лиқ тўлиб қолибди. Унинг тамаси ҳаракатга келиб, ўзича деди: "Бундан буён асал билан ёғни йиғаман, уларни сотиб, савдогардек бой бўламан!". У шу хаёлда бадавлат киши нима юборса йиғиб қўяверди.

Куни келиб, у бадавлат хожанинг олдига борди ва деди:

— Эй хожа, савдогарлик қилмоқчиман, мен ҳам бойишни истайман!

Хожа унга:

— Эй биродар, қўлингда борига шукр қил, кераги дан ортиқча талаб қилиб, бошингдан айрилиб қолма, бу хом хаёлни бошингдан чиқар, бола-чақанг бўлмаса, ахир! Сенда тама ҳаракатга келганга ўхшайди, энди сенга бераётган нарсаларни бошқага бераман. Қараб турсам сен икки ҳолатдан узоқ эмасга ўхшайсан. Сен ўта бахилсан, бахиллик эса шайтоний хислатдир. Ёки хирсу тама бандасисан, борига шукр қилмай, зиёда талаб қилаяпсан! Менинг назаримдан қолдинг, жўна! — деб ҳайдаб юборди.

Тамагир киши дили оғриб, хафа бўлди. Уйга келиб, ўзи билан ўзи: "Нега хожага бу гапни айтдинг!" — деб жанг қилишга тушди. Сўнг назари кўзадаги асалга тушди. Ўзича хаёлга берилди: "Бу асални ўн дирхамга сотаман, пулига бешта қўй оламан, ҳар бири олти ойдан кейин иккитадан туғиб беради. Икки йилда йигирмата бўлади, беш йилда отарга айланади. Беҳисоб фойда топаман. Сўнг улардан баъзиларини сотаман. Уй ва унинг жиҳозларини созлайман. Сўнг каттароқ ва ҳурматлироқ оилада ўсган соҳибжамол қизни хотинликка оламан. У хотин катта сеп ва зебу зийнат билан келади. Айшу ишрат қиламан. Хотин менга ўғил туғиб беради. У катта бўлади, унинг тарбиясига киришаман, адаб ўргатаман. У ўсиб улғайгач, гапимга кирмай, қайсарлик қилади. Шунда мен учун унга адаб ўргатиш вожиб бўлади. У пайтда мана шу таёқ билан шундай ураманки..."

У ниҳоятда фикрга берилганидан туғилмаган фарзандини уриш учун таёқни қаттиқ кўтарган эди, таёқ токчада турган асалли кўзага тегди. Кўза синиб, ичидаги асали тамагир кишининг устига оқиб тушиб, либосини асалга бўяди. Тамагир киши ирғиб туриб, яна: "Эй ўғил, сен ҳали менинг гапимга кирмай кўзани ҳам синдирдингми, шошмайтур, қаёққа қочиб қутулардинг" деб бутун уйни айланиб, қува бошлади.

Бадавлат киши эса уни ҳафа қилиб қўйганидан афсусланиб, кўнглини кўтариш учун келиб, эшик орқасида турган эди. Бу ҳолатни кўриб, уйга кирди. Бош-оёғи аҳалга беланган тамагирни кўриб, ҳайрон бўлди ва деди: "Тама кишининг обрўйини кетказди. Эй жоҳил, бу қандай фосид хаёл! Бу қандай хомтамалик, бу қандай хирси, ўзингча уни тасаввур қилмоқдасан?! Бу фикру хаёлингнинг бари амримаҳол ишдир!" Хожа шундай деб у ердан чиқди ва ўзича деди: "Тама кишининг рангини сарғайтиради!"

Эй азиз, бу ҳикоятни шунинг учун келтирдимки, одамзодга ақлу фаҳм ёр экан ишнинг ипини қўлдан чиқармасин, ўз дилини ҳам тамага, хаёлга ва ботил фикрга боғламасин! Шунинг учун, иззатингдан айрилма, иззат қаноатдан, захмат тамадан келади, дейдилар.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.

◆ ҲИКОЯТ: бир аблаҳ киши ўз-ўзидан ғазабланиб, мени шунчалар ҳақорат қилдики, охири чарчаб, бир бурчакка борди-да жимгина ўтириб қолди.

ҚИТЪА:

Эшак наъра тортиб, ҳанграган замон,
Қулоқни тешай дер ёқимсиз "сози",
Бир оз сабр қилиб ўтирсанг агар,
Ўз-ўзидан тингай эшак овози!

Ҳаким ҚОНИЙ.

Форс, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Диллашув

ЮРАКНИ ЎЙГОТГАН НАВОЛАР

Санъатимиз аслида мавж уриб оқаётган улкан бир дарёга ўхшайди. Бу азим дарёнинг ҳосил бўлишида не-не буюк ҳофизлар, созанда ва хонандаларнинг беқиёс улушлари бор. Улар ўзларининг ўлмас созлари, ноёб овозлари, дил ўртар куйлари билан дарёнинг абадий оқимини таъминлаб келганлар...

Воҳанинг ана шундай фарзандларидан бири — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева жозибадор,киши қалбининг нозик торларини чертувчи кўпгина лирик қўшиқларни мухлисларга ҳавола этиб улгурди.

Султонпошшанинг асли касби ўқитувчилик. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини (ҳозирги университетини) тамомлагандан кейин, пойтахтимиздаги 38-ўрта мактабда ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келди.

Ҳозирда "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмасида фаолият кўрсатяпти.

– Султонпошша опа, дунё ичра бир гўзал дунё бўлган болалигингиз кечган ширин дамларни ҳеч кўмсайсизми?

– "Умр – оқар дарё", дейишади. Дарҳақиқат, бу ҳикмат тўғри экан. Вақтнинг шиддаткорлигига иймон келтирганим ҳолда болаликнинг ўйинқароқ лаҳзалари кўз ўнгимдан худди кино тасмасидек бирма-бир ўтади. Ҳа, беғубор болалик даврида кечган бетакрор онларни асло унутиб бўлмаса керак. Чунки болалик инсон учун муқаддас ҳисобланмиш умр китобининг муқаддимасидир. Инсон бу даврда кўрган-кечирганларининг барчаси – яхшисиям, ёмониям сатрма-сатр, сўзма-сўз битилади, уни ўчириб ҳам, йиртиб ҳам ташлашнинг иложи йўқ. Демак, болалик кўчаси ҳар қандай қусурлардан ҳоли, озод ва ободдир. Шукрки, бу кутлуғ ва табаррук остона ҳамиша юрагим тўрида.

– Сизга устозлик қилган қўшиқчи санъаткорлардан кимларга меҳрингиз баланд?

– Мен шу пайтга қадар Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидовадек бағри кенг инсонни кўрмадим. Бу меҳрибон аёл менга кўп бор ёрдам қилган. Коммуна Исмоиловани, Шермат Файзуллаев, Матниёз Юсупов, Назира Юсуповаларни ҳам ҳурмат қиламан. Умуман мен ҳурмат қиладиган санъаткорлар жуда кўп.

– Сиз ўқитувчи-санъаткорсиз. Шу боис мактаб ҳақида икки калима сўз айтсангиз.

– Бола тарбияси, мактаб ҳаёти ҳақида гап кетгудек бўлса, даставвал буюк файласуф Дантоннинг сўзлари бот-бот хаёлимга келаверади. "Мактаб ҳам нондек азиз", – деган экан у. Нон тириклик манбаи, мактаб эса инсонни маънавият оламига етакловчи муқаддас даргоҳ. Шу манзил орқали инсон одамийлик, инсоф, адолат, меҳру муруввat, илм-фан, маданиятга қадам қўяди. Қалбида беназир ҳис-туйғулар уйғонади.

– Келинг, суҳбатимиз мавзуини бироз ўзгартирайлик. Сиз Хоразмдансиз. Воҳа санъатининг ўзига хослиги нимада деб биласиз?

– Кўҳна Хоразмни кўпчилик Ҳизр назари тушган юрт дейишади. Бунинг боиси бор, албатта. Менинг наздимда дунёдаги бошқа бирорта халқда хоразмликлар каби санъат усуллари ва оҳанглари йўқ бўлса керак. Тарихий китобларда ёзилишича, инсон боласи қалбини аллаловчи мусиқа санъати илк бор шу заминда пайдо бўлган экан. Одамлари санъатга, қўшиққа шу қадар чанқоқки ўйлаб туриб, мен ҳам бир сирнинг тубига етолмайман. Балки Ҳизр бобомиз назари тушганлиги ростдир.

– Сизнингча санъат нима?

– Аслини олганда санъат кенг қамровли тушунча. Назаримда, у инсон руҳиятига таъсир этувчи, ўз сеҳри билан кўнгилларни сел қилувчи илоҳий бир неъмат.

– Сиз хонандасиз, санъатда сизнинг кўпроқ ғашингизга тегадиган ҳолатлар ҳақида сўзласангиз...

– Тарихий китоблардан бирида айтилишича Шайбонийхон ўз ҳузурида ғижжакчини чорлаб куй чалиб беришини сўрабди. Машшоқ қайфияти йўқлигиданми ёки бошқа важданми, куйни ниҳоятда расво қилиб чалибди. Бундан жаҳли чиққан хон қамчини олиб машшоқни ўз қўли билан савалай бошлабди.

– Ҳозир бундай ҳофиз ва машшоқларни савалаш учун шундай қамчи зарурмикин?

– Биласизми, ҳозир мумтоз қўшиқлар ҳақида гапирилганда, уларни замонавий куй-қўшиқларга қарши қўйиш одат тусига кирган. Кўпгина ёш санъаткорларимиз кўр-кўрона ғарб санъат эстрадасига тақлид қиладилар. Натижада ўртамиёна, бир-бирига жуда ҳам ўхшаш қўшиқлар кўпайиб кетди. Мен чалакам-чатти европача оҳанглар-у ўғирланган наволардан безган қалбларга ёқимли мумтоз куй-қўшиқларнинг ором бағишлашини истайман.

– Санъаткорнинг эл орасида танилишида энг қулай восита радио ва телевидениедир. Сизнинг радио ва телевидениега бўлган муносабатингиз?

– Кўпгина ёш санъаткорларнинг (санъаткормикин?) "бош-оёғи йўқ", маза-матрасиз қўшиқлари "ойнаи жаҳон"да ондасонда бўлса-да намойиш этилади. Уларнинг ўрнига эл оғзига тушган Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов, Замира Суюнова ва бошқаларнинг қўшиқларига, мумтоз куй-ашулаларга кенг жой ажратилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, телевидение орқали ким-кимлар-гадир кўр-кўрона тақлид эмас, балки ҳақиқий ўзбек қўшиқчилик санъати зуҳур этиб туриши керак.

– Қайси хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлгансиз?

– Ўзбекистонда ижод қилаётган санъаткорлар ичида хорижга энг кам чиққани мен бўлсам керагов. Ўтган 27 йил ичида бор-йўғи 5-6 марта бўлганман чет элда.

– Анъанавий савол: турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Турмуш ўртоғим Сафарбой Олимбоев Тошкент Давлат санъат институтида ёшларга мусиқа илмидан дарс беради. У киши яхшигина хонанда, ажойиб созанда, олижаноб, камтарин инсон. Қизим Садоқат Тошкент юридик коллежини тугатган.

– Нимадан кўрқасиз?

– Ҳеч нарсага эришолмасликдан, ғийбатдан, туҳматдан.

– Ҳаётда нимани кўпроқ яхши кўрасиз?

– Ҳар бир янги қўшиғимнинг яралишини, фарзандларим дунёга келиб оналик бахти насиб этган бахтиёр кунларни.

– Султонпошша опа, кўнгил тубида тугиб юрган орзуларингиз, режаларингиз бисёр, албатта. Айни дамда қандай қўшиқлар устида ишлаяпсиз?

– Шу кунларда бир туркум янги қўшиқлар устида ишлаяпман. Ниятим мухлисларга кичик бир гулдаста ҳадя этиш. Истеъдодли шоира Шарифа Салимованинг "Қайда бўлманг, Оллоҳим сизни асрасин", "Наврўз", Зулфия Мўминова қаламига мансуб "Ўлма, ўзингдан қолма", "Борми-йўқми", "Муҳаббат" каби шеърларини мусиқага солиб, мухлисларга армуғон этмоқчиман.

– Суҳбатимиз поёнида қайси гапни айтгингиз келяпти?

– *"Бешак билинг бу дунё,*
Барча элдан ўтаро.
Ишонмагил молингга,
Бир кун қўлдан кетаро..."

...Ҳаво мавжларида унинг ширали овози янграши биланоқ мухлислари бошқа ташвишларини йиғиштириб қўйиб, Султонпошша Ўдаеванинг сеҳрли овозига, гўзал оҳангларига, ўзига хос ижрочилик услубига маҳлиё бўлиб қоладилар.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Фан

ЭНГ ЯХШИ ТЕСТ МУАЛЛИФЛАРИ

Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи республика танловини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди.

Ҳар сафардагидек бу галги ўзаро беллашувга ҳам катта тайёргарлик кўрилди.

Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, танловга тақдим этилган жами тестнинг 285 таси мактаблар, лицей ва гимназияларнинг тажрибакор ўқитувчилари томонидан тузилди. Уларнинг аксарияти республика танловининг ғолиби бўлди.

Тошкент шаҳри мактабларининг турли фанлар бўйича тузилган тест саволлари ҳам янги ғоялар билан бойитилиб, ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ундайди.

Тошкент Давлат педагогика университетининг талабаси Нозиргул Раҳимованинг биология фани бўйича тайёрлаган тести танловнинг учинчи даражали мукофоти билан тақдирланди. А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти доценти Абдурайим Узоқовнинг эса физика фанидан тузган тест саволлари биринчи даражали совринни қўлга киритди.

Акбар АЛИЕВ.

Қатралар

ҚИЙНАЛСАМ ҲАМ

Ўқ ариқдан келган сувнинг ярми янги олинган жўякка бурилди. Ярми эса тўсиқ — чимнинг тагидан сизиб ўтди. Кеча суғорилиб равонлашган жўякка кирди-да осонгина милдираги. Ўзидан олдин янги жўякка кирган сувга:

— Кесакларга урилиб оёқлагунингча азоб ейдиган бўлдинг. Мен билан тайёргина равон ариқдан оқаверсанг бўларди.

— Қийналсам ҳам ўз йўлимни очсам, дейман, — деди сабр билан милдираётган сув.

Равон ариқдаги сувнинг мақтови узоққа бормади. Кетмоннинг турткиси билан ғадир-будирли жўякка бурилган сув мақтанганига пушаймон еди.

ОДОБ НУРИ

Ота боғ эшигидан қўшни йигитни чақириб: — Дарахтингиз ўзи мевасиз. Устига-устак шохлари шафтолимга тушадиган офтоб нурига тўғаноқ. Шуларни кессангиз, — дея охиста илтимос қилди.

Йигит хўп деди-ю ичида илтимосини "майда гап"га йўйди.

Шафтоли ғарқ пишгаҳ. Ота офтоб еган шафтолидан еб кўрди. Асалмисан—асал. Сояда қолгани ғирт бемаза.

— Увол, молнинг тоғорасига тушадиган бўлди, — деди ота бемаза шафтолиларга ачиниб. Ота бугина эмас уволнинг бош сабабчиси бўлган қўшни йигитнинг қалбида одоб нурининг йўқлигига ҳам ачинди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.



Ботир Мўминовни Шайхонтоҳур туманидаги "Кичик Шайхонтоҳур" маҳалласида каттаю кичик ҳурмат қилади. У кўп йиллар Енгил саноат Ассоциациясида хизмат қилди. Ҳозир пенсияда бўлишига қарамай шу ерда маслаҳатчи бўлиб ишлаб келмоқда. Шунингдек, у маҳалла оқсоқоли ўринбосари бўлиш билан бирга жамоат ишларида доим бош-қош. Айниқса, маҳалладаги ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

СУРАТДА: Ботир Мўминов невараси Боҳиром билан.

Равиль Альбеков олган сурат.

Тошкент Давлат университети Тиллар маркази ўқитувчиси Розия Юсупова марказ фаолияти ва у ердаги ишлар кўлами хусусида қуйидагиларни гапириб берди.

Марказлар

ДИЛ КЎЗГУСИ

— Розия опа, янги давр ёшларига таълим бериш устоз-муаллимдан нималарни талаб қилади?

— Ҳозирги илмий-техника ривожланган даврнинг асосий талабларидан бири ёш авлоднинг баркамол, етук мутахассис бўлиб етишишидир. Бунинг учун эса шу авлод замонавий, иқтисодий тафаккур ва шулар қатори бир нечта чет тилларни билишни мақсад қилиб қўйилади. Республикамизда юз бераётган буюк ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнини тубдан ўзгартириш зарурлигини келтириб чиқаради. Чет тили ўқитувчилари ва чет тили ўқитиш масалалари билан шуғулланувчи тилшунос олимлардан тинмай изланишни, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган ўқув дастури, дарслик, қўлланма, луғатлар тузишни ҳамда таълим самарадорлигини оширишга қаратилган янги усулларни изланиб топишни талаб этади. Чет тиллардан энг юксак даражадаги, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган сифатли дарсликлар яратиш муаммоларини ҳал этишда дарсликлар нафақат ўқув жараёнини материал ва машқлар билан таъминлайдиган, балки ўқув тарбия йўналишини белгилайдиган восита эканлигини ҳам албатта ҳисобга олиш керак. Замон руҳига мос келадиган ўқувчининг талаби, эҳтиёжи, қизиқишига жавоб берадиган дарсликлар яратиш лозим.

— Ўзингиз бу борада қандай дарслик ва қўлланмалар яратгансиз?

— Жамоамиз С. С. Мусаев, катта ўқитувчилар Г. Н. Крик, Л. И. Орехова ва мен биргаликда «Талабаларни француз тилидан оғзаки нутқ кўникмаларини ўстириш», доцент С. С. Мусаев билан биргаликда университетнинг филология факультетлари биринчи курс сиртқи бўлим талабалари учун «Француз тилидан ўқув-услубий қўлланма ва контроль ишлар тўплами» ва француз тили фанидан олий ўқув юртларига кирувчи ёшлар учун методик тавсиялар ва назорат ишлар тўпламини жамлаб қўлланмалар яратдик. Бундан ташқари миллий гуруҳларда тест материаллардан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари бор. Ижтимоий факультетлардаги миллий гуруҳларда рейтинг тизими асосида тест материалларидан фойдаланиш давр талаби ва дарс жараёнининг бир қисми бўлиб қолди.

— Розия опа, сизнинг «Барқарор дўстлик», «Барҳаёт ғоялар», «Инсониятни уйғотиш буюк иш», «Мериме» ўзбек тилида» сингари илмий мақолаларингиз ўқувчиларга маълум. Шулар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— «Барҳаёт дўстлик» деб номланган мақола Ўзбекистонда Франция кунлари бўлиб ўтганда ёзилган. Барча чет эллардаги, тинчлик ва демократия тарафдорлари қатори француз халқи ҳам ўзбек адабиётини севадилар, унинг намоёндалари ижодини ҳурмат билан тилга оладилар. «Барҳаёт ғоялар» деб номланган мақола Париж коммунаси кунига бағишлаб ёзилган. Виктор Гюгонинг 180 йиллигига атаб «Инсониятни уйғотиш буюк иш» деб номланган мақолани ёздим. Гюго XX асрни тинчлик асри бўлади деб башорат қилган эди. У халқларни қўлни-қўлга бериб, бутун дунёда тинчлик ўрнатиш учун курашажакларига қаттиқ ишонган эди. Улуғ ёзувчининг орзулари амалга ошди. Кўпгина халқлар ёзувчи тасаввур қилганидек озодликка эришдилар. Француз халқи эса бутун дунё халқлари билан бирга тинчлик ва демократия учун курашаётир. «Мериме» ўзбек тилида» деб номланган мақола ҳам ўзбек, француз адабиётлари ўртасидаги ижодий алоқалар ҳақида ёзилган.

Зарбуви АЛҚАРОВА.



“Берилган саволга ҳозир жавоб топамиз”.

Бу ажиб дунё

БЕРУНИЙ БАШОРАТИ

Буюк олим Абу Райхон Беруний Колумбдан салкам 500 йил бурун океан ортида катта қуруқлик бўлиши мумкинлигини башорат қилишида унинг математика, астрономия, география ва бошқа фанларга оид ниҳоятда кўп тадқиқотлар ўтказганлиги муҳим ўрин тутган албатта. Ер курраси ҳажмини ўлчашнинг ўзига хос ва ғоят содда усулини ҳам Беруний топганлиги тасодифий эмас. У Ҳиндистонда эканлигида баланд бир тоққа чиқиб, кўзи билан уфқ чизиғи орасида ҳосил бўлган бурчакни ўлчаган. Олим ана шу бурчак ва тоғ баландлигидан фойдаланиб, Ернинг радиуси ва айланмасини ҳисоблаб чиққан. Бирунийнинг шу тарика ўлчаб ҳосил қилган маълумоти ҳозирги замон маълумотларидан жуда оз фарқ қилади.

МУТАХАССИСЛАР ҚАРОРИ

1998 йил январида коинотга учирилган Американинг “Лунар Проспектор” фазо кемаси ҳануз ой орбитасида сузиб юрибди. Ўтган йил кузда “Клементина” деб номланган коинот зонди очган янгиликни, яъни Ойда сув борлиги ҳақидаги хабарни у ҳам тасдиқлади. Маълум бўлишича, Ойда жуда катта сув музликлари бор бўлиб, бу музликларнинг оғирлиги 10 миллиард тоннадан ҳам ортиб кетар экан. Музликлар бир вақтлар, яъни бундан миллиард йиллар муқаддам кометаларнинг Ойга урилиши натижасида пайдо бўлган улкан чуқурликлардир. Шу музликларга асосланиб мутахассислар айтишмоқдаки, илмий кузатув ишлари учун Ойни макон айлаш эндиликда ҳақиқатга яқин воқеликдир. Ва бу борада америкаликлар жиддий бош қотиришмоқда.

Ой чуқурликларида топилган сув музликлари илмий текширувчи ракета қурилмалари учун оби-ҳаёт ролини бажаради. Негаки, водород ва кислород ракета двигателларининг ёнилғиси учун асосий манбаа ҳисобланади. Демак, келажакда Ойни ва шу билан биргаликда коинотни ўрганиш ишлари янада улкан салоҳият кашф этади.

ҚУВВАТ МАНБАИ

Ёғ инсон танаси учун муҳим қувват манбаи бўлиб, у баданда парчаланганда углерод ва оқсилларга нисбатан икки марта ортиқ энергия беради. Олдинлари ёғнинг биологик аҳамияти фақат шу билан чегараланади, деб ўйлашганди.

1823 йили ёғ таркиби — глицерин, ёғ кислоталари ва эфирли глицеринлардан иборат эканлиги аниқланди. Унинг кимёвий хусусиятлари ва баданга таъсири ҳам кузатилди.

Ўтган асрнинг 30-40 йилларига келиб ёғ таркибида А, Д, Е каби дармондорилар ҳамда бошқа зарурий моддалар борлиги аниқланади. Шу билан бирга ёғ таркибидаги баъзи тўйинмаган ёғ кислоталари тана учун жуда зарурлиги ва уларни бошқа ҳеч қандай модда билан алмаштириб бўлмаслиги маълум бўлди. Бинобарин, ёғ зарур моддаларга бой истеъмол маҳсулотидир.

КАКАО ЮРТИ

Шоколад дарахтининг асли ватани Мексика бўлиб, бу мамлакатнинг туб аҳолиси — ацтеклар чоколатль (европаликлар уни шоколад деб талаффуз этишади) деган ичимлик тайёрлашарди. Орадан бир неча йил ўтгандан кейин какао Францияга ҳам келтирилди. Бироқ бу ерда XVII асрнинг ўрталарига қадар қироличадан бўлак ҳеч ким какао ичиш имконига эга эмасди. Фақат XVII аср ўрталаридагина какао ичиш кенг расм бўлди.

Кейинчалик шоколад дарахти Африкада ҳам экила бошлайди. Айтишларича, бу қитъадаги Мампонг шаҳрида истиқомат қилувчи темирчи Тетте Куарши 1876 йили Фернандо—По оролидан олтин қирғоққа (Ганага) бир қоп какао дуккаги келтириб экибди ва тўрт йилдан кейин биринчи ҳосилни йиғиб олибди.

Уддабурон темирчи какао уруғини қўшниларига ҳам сотибди. Ганадаги какаозорлар шу тарзда бунёдга келган экан.

Ҳозир дунё бўйича етиштириладиган жами какао дуккагининг деярли ярмини Гана мамлакати беради.

ЭНГ ҚАДИМГИ БИНО

Японияннинг Нара шаҳрида 752йили ёғочдан қурилган Тодайдзи номли будда ибодатхонаси мана 1247 йилдирки, ҳали ҳам фаолият кўрсатмоқда. Манбаларга қараганда, у жаҳондаги энг қадимги бино ҳисобланади.

Ёш эдим, эртагу ривоятларни қизиқиш билан тинглардим. Айниқса бувижоним айтиб берган ибратли ҳикоялар (Аллоҳ у кишини раҳматига олган бўлсин) бир умр ёдимда қолган.

Маънавият сабоқлари

ЭШИКЛАРИМИЗ НЕГА ҚУЛФЛАНАДИ?

— Уруш тугаб қийинчиликлар орқага чекинган пайтлар, — дея ҳикоя қилгандилар бувим. Кунларнинг бирида, — амаким билан тонг саҳарда Чорсу бозорига бордик.

Тумонат одам. Ҳамма ҳар ёққа елиб-югуради. Расталар олди гавжум. У-бу нарса харид қилиб чиқаётсак ерда дўппайган рўмолча ётибди. Нима экан, деб қўлимга олсам пул тугилган. Кимдир йўлда тушириб қўйганлиги аниқ. "Буни нима қиламиз?" сўрадим амакимдан. "Ким пул "йўқотди?" деб ҳаммадан сўраб чиқамиз. Ахир бир бечора қаерда туширib қўйганлигини билмай, сарсон-саргардон бўлиб юргандир", — дедилар. Сўнг кўчанинг ўртасига чиқиб "Ким рўмолча йўқотди?" — дея бор овозда сўрай бошладилар. Бир маҳал узоқдан қорачадан келган, барваста гавдали, ўрта ёшлардаги киши "мен" дея югуриб келди.

— Рўмолчанинг ранги қанақа эди,— сўрадилар амаким.

— Оч пушти.

— Ичига нима тугилганини биласизми?"

— Пул эди, ака. Бола-чақамга кийим-кечак харид қилмоқчи эдим. Эллиталик, йигирма бешталик эди ҳаммаси, фалон сўм.

Дарҳақиқат, пулнинг эгаси шу киши экан. Жуда хурсанд бўлди. У пайтларда одамларда ан инсоф, диёнат, ҳалоллик кучли эди. Чунки ҳамманинг иймони бутун, биров бировнинг ҳақидан қўрқарди. Ана шунақа гаплар, болам. Ҳозир одамлардан андиша, оқибат кўтарилди-да...

Нафсиламбирини айтганда бувижонимнинг гапларида жон бордек туюлади. Чунки отабоболаримиздан, катталардан кўп марта эшитганим, улар замонида қийинчилик, етишмовчилик устунлик қилсада, ўғрилик, инсофсизлик, талон-тарожлик ахён-ахёнда учрамаса, бўлмаган ҳисоб. Бозорларда расталар қулф-калитсиз бўлган. Агар дўкондор ҳожат учун бирор юмуш билан ташқарига чиқса дўкони очиқ-сочиқ қолаверган, қулфлаш хаёлига ҳам келмаган. Чунки унинг нарсаларини ҳеч ким ўғирламаган, балки дўкондор келишини сабр билан кутган.

"Ўзбекфильм" томонидан ишланган "Суюнчи" бадиий фильмидаги бир эпизод тез-тез эсимга тушади. Фильм қаҳрамони Анзират хола (севимли актрисамиз Зайнаб Садриева ижро этганлар. Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) қишлоққа янги кўчиб келган кишининг эшигида қулф осилиб турганини кўради ва уй эгасини чақириб сўрайди:

— Нега қулфладинг?

— Эртадан-кечгача хизматдаман, ҳар эҳтимолга қарши ўрнатдим-да.

Анзират хола қулфни буздириб ташлагандан сўнг:

— Бу ишингдан кўнглим ранжиди. Қишлоғимизда бор-йўғи биттагина ўғри бор. У ҳам бу қилиғингдан роса хафа бўлади-да, — дейди.

— Битта бўлса ҳам ўғри бор экан-ку?

— У ўзимизники. Уз қишлоғида ўғрилик қилмайди, тушундингми?

Фильмдаги ушбу манзара қишлоқ одамлари орасидаги меҳр-оқибат, ишонч, бир-бирига ҳурмат қай даражада бўлганини ҳаққоний очиб бера олган.

Ёки ҳурматли газетхон, адабиётимизнинг йирик намояндаларидан бири севимли адибимиз Ғафур Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам" ҳикоясини эсланг-а. Ҳикояда ёзилишича, тунда кампирникига ўғрилик қилиш учун девордан ошиб тушган ўғри йигитни кампир кўриб қолади-ю ўзаро суҳбат бошланади. Муҳтожлик туфайлигина ўғриликка қўл урган йигит кампирникида ҳеч ваҳо йўқлигини кўрадию секингина чиқиб кетмоқчи бўлади. Аммо уй эгаси бўлмиш кампирнинг ўғри болага раҳми келганидан "Менинг ўғригина болам-а ҳеч нарсам йўқ эди. Келишга келиб қуруқ кетаверасанми? Жуда бўлмаса манави қозончани олиб кет", дейди. Ҳикоянинг таъсирли жойи шундаки, кампир ҳам, ўғри йигит ҳам халқимизнинг типик вакили. Уларда соддалик, андиша-ю ҳалоллик бор. Шу боисми ўқувчи ўғри боладан хафа бўлмайди, балки уни тушунади. Шу ўринда савол туғилади. Ўғри бола нега кампирникидан ҳеч нарса олмади? Чунки орият, уят, номус нафсдан устун келди.

Ҳурматли газетхон, бу мисолларни нима учун келтирганимизни англагандирсиз. Минг йиллардан бери яшаб келаётган шарқона урф-одатларимиз, шарқона ўзига хос миллий тарбия, ислом таълимоти халқимиз учун доимо дастуруламал бўлиб келган. Муқаддас китоб Қуръони каримнинг бир неча оятларида Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.АВ Ҳадисларида ўғрилик жиноятнинг энг ёмон турларидан бири сифатида қаттиқ қораланади. Ўғрилик, умуман жиноят қилган бандани боқий дунёда қандай жазолар кутаётгани қайта-қайта таъкидланади. Жумладан, Қуръони каримнинг "Ёсин" сурасида шундай дейилади: "Эй жиноятчи кимсалар, мана бу кунда (мўминлардан) ажралинглар, Мен сизларга эй одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинглар! Мана шу тўғри йўлдир, деб буюрмаганмидим? Аниқки, шайтон сизларнинг ичингиздан кўп авлодни йўлдан оздирди. Ахир ақл юритувчи бўлмадингизларми?

Ота-боболаримиз юқоридаги каби ўгит, панд-насиҳатларга амал қилишган. Кимки ўғрилик қилган бўлса, отга ёки эшакка тескари миндириб, маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ сазойи қилиб олиб юришган. Бу ўз даврида энг оғир шармандалик ва кечирилмас гуноҳ, ўғрига умрбод берилган тамға эди. Диёнатли инсон учун номус ҳар нарсадан устун ҳисобланарди. Бироқ бугунги дориломон кунларда меҳр, оқибат, андиша, номус каби хислатлар нега илгаригидек эмас, нега ҳар биримизнинг уйимизда каттакон қулф бор, деб гапирамиз, ёзамиз, керак бўлса ваъз айтамиз. Ундан кўра истиқлол шарофати туфайли ўз қадрини топаётган миллий қадриятларимизни эъзозлайлик, ота-боболаримиз қолдирган улкан хазина — шарқнинг энг яхши миллий анъаналари ҳамда одатларига, муқаддас Қуръони карим, Ҳадиси шариф ўгитларига қатъий амал қилайлик, шайтон васвасасига учмайлик. Буларнинг барини ўзимиздан бошлаб кўрайлик. Шунда руҳимиз енгил, дилимиз пок бўлади. Юртбошимиз олиб бораётган барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга, келажагимиз бўлмиш ёшларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол авлод қилиб етиштиришда бор куч-қувватимизни аямайлик. Бинобарин, шунда ўғрилигу ёмон иллатлар ўз-ўзидан камаяди. Ота-боболаримиз даврида бўлганидек, эшикларда қулфлар бўлмайди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

Турмуш чорраҳаларида

АХЛАТДАГИ ГУЛ

Низомжон иш кабинети деворидаги соатга кўз ташлади — юмушлари кўпайиб кетганидан иш куни охирлашиб қолганини ҳам сезмай қолибди. Ёзув-чизув қоғозларини саранжом-сариштa қилди-да, одатига кўра, эртага биринчи навбатда бажариши зарур бўлган хизмат вазифаларини қайд этиб қўйиш ниятида столи устидаги варақлама тақвимни олдига сурди. Ундаги бугунги ишлари рўйхати сўнгидаги «туғилган кун» ёзувига кўзи тушди: «Дарвоқе, бугун қайнонам — Рихси аямларнинг туғилган куни-ку. Ҳа, уйга барвақтроқ бориб, болаларим билан ойимизни табриклаб келишимиз керак...»

Хаёлини телефон қўнғироғи бўлди: «Оббо, шу маҳалда ким бўлди экан? Ҳойнаҳой бўлим бошлиғимиз бўлса керак. Ҳар доимгидек эртанги вазифаларни эслатиб қўймоқчилар шекилли». Шошилиб тургани учун телефон дастагини истар-истамас кўтарди. Адашибди — хотини Роҳила экан:

— Низомжон ака, вақтлироқ келишга ҳаракат қилинг. Бугун тадбир борлигини биласиз-а?

— Ҳа, албатта, биламан — ойимизнинг туғилган кунлари.

— Шундайку-я, лекин бугун янги қўшнимиз Зокиржон аканинг рафиқалари — Зарофатхоннинг ҳам туғилган кунлари экан. Ҳозирданоқ дарвозаларининг олди машинага тўлиб кетди... Қўшничилик — чиқмасак бўлмас.

Низомжоннинг боши қотди:

— Ие, буёғи қандоқ бўлди? Ахир, ойимизникига бормасак бўлмайди. Барча қариндошлар йиғилишади-ку? Зарофатхонни мен боргунча бирров табриклаб чиқарсан.

— Низомжон ака, ойимларга қўнғироқ қилиб аҳволни тушунтирдим. Улар рози. Дам олиш куни болаларни олиб табриклагани ўтадиган бўлдик. Ҳа, айтгандай, эсингиздан чиқмасин — келишингизда Зарофатхон учун гул олишни унутманг. Қолган совға, пишириқларни тайёрлаб қўйдим.

Низомжон бир муддат хаёл суриб жойида ўтириб қолди: хотинининг гапида жон бор. Ҳар қандай вазиятда ҳам қўшни кунингга ярайди, деб бежиз айтишмаган. Қолаверса, рўзғорчилик — ул-бул керак бўлиб қолиб қўшниникига чиқишса-ю у ерда ҳеч ким бўлмаса. Ойиси — ўзлариники. Қўшни эса...

* * *

Зокиржоннинг Низомжонга девормиён ҳовлини сотиб олганига атиги бир йилча бўлди. Лекин шу вақт ичида «уддабурон» қўшниси ҳовлини росмана қасрга айлантириб юборди: ҳовлидаги эски, пастқам иморатни икки қаватли, нақшинкор қилиб қайта қурдирди... Хуллас, ўн чоғли қўли гул усталар янги қўшниникида ярим йилча тер тўкишди. Бироқ «топармон янги қўшни маошига яраша рўзғор тебратишга, топганига қаноат қилиб кун кечиришга қўникиб кетган камсуқум, босиқ, вазмин Низомжоннинг дидига унча ўтиришмади. Бир-бирларникига кириб-чиқиб туришлари ҳам сийрак: Низомжон гоҳи-гоҳида, ишга кетаётганида серҳашам дарвоза ёнида яп-янги енгил машинасини артиб-суртиб турган Зокиржонни учратиб қолиб, қимтиниб қисқагина ҳолаҳвол сўрашиб ўтади. Янги қўшниникига келиб-кетиб турадиганлар ҳам юриш-туриши Зокиржоннинг ўзига ўхшаш, Низомжон номини унча фарқлай олмайдиган енгил машинали, бир-биридан олифта одамлар. Янги қўшнисининг қаерда ишлаши ҳам бировнинг шахсий ишига аралашавериши хуш кўрмайдиган Низомжонга номаълум. Ўзи сингари борига шукур қилиб яшаган оиладан чиққан соддагина Роҳиланинг «Одамлар шундай ҳашаматли уй-жойлар қуриш учун пулни қандай қилиб топишар экан-а» деган саволига «Кўявер, хотин, ақлинг етмайдиган ишга аралашма», деб қисқагина жавоб қилиб қўя қоларди...

* * *

Низомжон йўл-йўлакай гул бозорига ўтди. Бу ерда ондасонда бўладиган Низомжон учун гул танлаш азоб бўлди: унинг чўнтаги Зарофатхонбопи у ёкда турсин, ҳатто бозордаги оддийгина гул нархига ҳам «бардош» беролмасди. Яхшиямки, ўғлига фотоаппарат олиб беришни ваъда қилиб анчадан бери оз-оздан тўплаб юрган жамғармаси ёнида экан: «Ҳа, энди, туғилган кун ҳар доим бўлавермайди-ку, пул кетса-кетсин, обрў кетмасин» деб ўзига таскин берди-да, бор пулини сарфлаб Зарофатхонбоп энг сара гуллардан харид қилиб уйига йўл олди...

* * *

...Совға-саломлар, гул билан янги қўшнисиникига кириб келишган Низомжон билан Роҳилани ҳовлида у ёқдан-бу ёққа елиб-югуриб хизмат қилишаётган йигит-қизларга кўрсатма бериб турган, зеб-зийнатга бурканган Зарофатхон ясама такаллуф билан совуққина қаршилади. Буни табиатан синчков Низомжон дарҳол пайқади.

Асосий эътибори бутун ҳовли саҳнини эгаллаган зиёфат столининг юқори томонидаги серсавлат меҳмонларда бўлган ширакайф Зокиржоннинг унга нисбатан бепарво муносабати Низомжоннинг кайфиятини баттарроқ чўктириб юборди.

Худди танлов учун ясатилган, турли-туман таомлар, ичимликлар билан лиқ тўла стол атрофида, қулоқни батанг қилувчи, асаббузар «куй-қўшиқ»лар жўрлигида ўтган зиёфатдан кейин Низомжон ярим тунгача ўзига келолмади. Хотини топиб ичирган дори-дармонлар ҳам Низомжоннинг ўксик қалбига малҳам бўлолмади...

...Эрталаб зўр-базўр ўрнидан туриб ишга йўл олган карахт Низомжон кўча бошидаги ахлатхона ёнидан ўтаётиб оёғи остида ётган алланарсага қоқилиб сал бўлмаса йиқилиб тушай деди. У тўхтаб оёғи остига қаради: турли-туман овқат қолдиқларига қоришиб ётган бу «алланарса» — кеча ўзи узоқ вақт танлаб-танлаб Зарофатхон учун харид қилган энг сара гуллар эди...

Юсуф МУҚИМБОЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ўзингизни биласизми?

ВИЖДОНЛИ МАНСАБПАРАСТНИНГ ЎН ҚОНУНИЯТИ

Мансаб... Бир хил тоифадагилар эришилган мақсадни бошқа нарсалардан устун қўйиб, ҳамма нарсага тайёр бўладилар, бошқалар эса мансабга эришишга ҳаракат қилиш бу — бошқалар олдида бошини эгиш ва ўзини хор қилиш деб ундан кўра йиллаб соҳа юраверишни афзал биладилар. Лекин ҳақиқатда барча мансабга ҳам тўғри “тоза қўллар” ёрдамида, ўзингизнинг виждонингиз ва ходимларнинг асосий қисми билан яхши муносабатларни сақлаб қолган ҳолда эришиш мумкин. Бунинг учун оддий этикага риоя қилиш ва мансабга эришиш йўлида нималар қилиш мумкину нималар қилиш мумкин эмаслигини аниқлаб олиш зарур.

Америкалик таниқли мутахассис Ж. Ягернинг таъкидлашича, хизмат поғонасидан кўтарилишнинг бир нечта рухсат берилган ва рухсат берилмаган кураш усуллари мавжуд бўлиб, у уларга “Виждонли мансабпарастнинг 10 қонунияти” деб ном берди. Шундай қилиб...

Биринчи қонуният. Ҳеч қачон бировнинг ишини ўзлаштирманг. Бошқалар ҳам сизнинг ҳисобингизга "очко"лар ишлаб топишига йўл қўйманг. Агар сиз ҳамкасбларингиздан бири сизнинг шахсий ютуқларингизни ўзиники қилиб кўрсатмоқчи бўлаётганини сезиб қолсангиз, алоҳида ишлашингизга ва унинг ижодий ва профессионал уқувсизлиги тез намоён бўлишига шароит яратишга ҳаракат қилинг. Эсингизда бўлсин, бу ўртоқларингиз ҳурматини қозониш ва хизмат поғонасидан кўтарилишингиз учун курашишингизда рухсат берилган услубдир.

Иккинчи қонуният. Ҳеч қачон орқа-варотдан гап ташиманг, ўзингизнинг рақибингиз ва рақобатчингиз ҳақида миш-мишлар тарқатманг. Агар у шундай қилаётган бўлса, уни очиқ суҳбатга чақиринг. Шу билан бирга, агар мажлис вақтида сиз асосли равишда унинг у ёки бу муаммолар ҳақида тушунчаси йўқлигини исботласангиз ва бу билан бошлиғингиз кўзида бир неча очко топсангиз бунинг ҳеч уятли жойи йўқ. Хуллас, агар жой учун кураш бошланган бўлса, максимал равишда тўғри ва очиқ, қаттиқ ва виждон олдида тоза бўлган услублардан фойдаланган равишда кураш олиб боринг. (Буларнинг ҳаммасидан фақатгина бир шартда: агар рақибингиз сизнинг оғайнингиз ёки яқин дўстингиз бўлмаса фойдаланишингиз мумкин).

Учинчи қонуният. Бор кучингиз, ғайратингиз билан ишланг. Фақатгина ишингиз ва сизнинг эришган муваффақиятларингиз поғонадан кўтарилишингизга ёрдам бўлиши керак.

Тўртинчи қонуният. Ўқинг, ўқинг ва яна ўқинг. Билимингиз ва мутахассислигингизни ошириш, ўзингизни ишонтириш ва ишонтиришингизни айтишга, айниқса бошлиғингиз олдида уялманг. Одам, у ўзини қанчага баҳоласа худди шунча туради. Шу билан бирга буни иложи борича мақтанчоқлик қилмасдан айтишга ҳаракат қилинг. Энг яхшиси бу ҳақда ярим ҳазил оҳангида айтиш керак ва ҳеч қачон бошқаларнинг ишини ўзингизники қилиб кўрсатманг (биринчи қонуниятга қаранг).

Саккизинчи қонуният. Барча ҳамкасбларингиз, бошлиқларингиз ва қўл остингиздагилар билан бир маромда дўстона алоқада бўлинг, иш муаммоларига шахсий ёқтиришларингиз ёки ёқтирмаслигингиз билан боғлиқ нарсаларни киритманг. (Яна бир бор бешинчи ва олтинчи қонуниятларга қаранг). Бир сўз билан айтганда “яхши йигит” номини олишга ҳаракат қилинг.

Тўққизинчи қонуният. Ўзингизнинг муваффақиятсизликларингиз учун жавобгарликни бошқалар елкасига ағдаришга ҳаракат қилманг, бу бошқаларнинг муваффақиятларини ўзиники қилиб кўрсатишга ўхшаган ёмон нарса.

Ўнинчи қонуният. Агар сизни кўтаришган бўлса, бурнингиз кўтарилиб кетмасин, аммо шу билан бирга мавқеингиз ўзгарганлигини ва аввалги ҳамкасблар энди сизнинг қўл остингиздаги ходимларга айланганликларини ва улардан айтганларингизни сўзсиз бажаришларини талаб қилишингизни қатъий кўрсатиб қўйинг. Буни янада аниқроқ кўрсатиш учун икки-уч кунга таътил олинг ва мансабингиз ўсганидан икки-уч кун ўтганидан кейин сипороқ кийиниб ишга чиқинг.

Агар сиз бешинчи, олтинчи ва саккизинчи қонуниятларни бажарган бўлсангиз, ўнинчисини бажариш сизда қийинчилик туғдирмайди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Мирзаҳмад Ризаев!
Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Оиламиз бахтига доимо соғ-саломат, узоқ умр кўриб юринг.
Рафиқангиз Дилдора ҳамда Мираҳмад, Дилором.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, тавалуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

Тошкентдаги 315-мактабда Рисолат Саидова 40 йилдан зиёд вақтдан буён кутубхоначилик қилади. Шуни айтиш керакки, кутубхона қошида “Китобларни севадиган ёшлар” тўгараги ишлаб турибди. Шунингдек, бу ерда турли маърифий бурчаклар ҳам ташкил этилган. Ўқувчилар кутубхонада ўтказиладиган турли-туман адабий тадбирларда ҳам иштирок этишади.

СУРАТДА: Рисолат Саидова ёш китобсеварлар билан.

Равиль Альбеков олган суратлар.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-08. Босмага топшириш вақти 11.30 123456